

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 02/30.12.2019. Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ҲУДУДИЙ МАРКАЗИ**

ПАЛЫМБЕТОВ КАМАЛБАЙ САРСЕНБАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ ДОСТОНИ «ҚЎБЛОН»НИНГ ГЕНЕЗИСИ,
ТИПОЛОГИЯСИ ВА ПОЭТИКАСИ**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

УЎК: 398.2(=512.121):82.0(043.3)

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Content of the abstract of the doctoral (DSc) dissertation

Палымбетов Камалбай Сарсенбаевич
Қорақалпоқхалқ достони «Қўблон»нинг генезиси,
типологияси ва поэтикаси..... 3

Палымбетов Камалбай Сарсенбаевич
Генезис, типология и поэтика каракалпакского
народного эпоса «Коблан».....37

Palymbetov Kamalbay Sarsenbaevich
Genesis, typology and poetics of Karakalpak folk
epos «Koblan».....69

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....73

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 02/30.12.2019. Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ҲУДУДИЙ МАРКАЗИ**

ПАЛЫМБЕТОВ КАМАЛБАЙ САРСЕНБАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ ДОСТОНИ «ҚЎБЛОН»НИНГ ГЕНЕЗИСИ,
ТИПОЛОГИЯСИ ВА ПОЭТИКАСИ**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги олий аттестация комиссиясида B2018.3.DSc/Fil137 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tai.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Алламбергенов Кенесбай
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Баҳадирова Саригул
филология фанлари доктори, профессор

Эшонқулов Жоппор Солиевич
филология фанлари доктори, профессор

Жуманазаров Умрзоқ
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 02/30.12.2019. Fil.46.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат__ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5 Тел.: (99871) 223-36-50; fax: (99871) 233-71-44; e-mail: uzlit@uzsci.net)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2021 йил _____ даги __ рақамли реестр баённомаси).

Б.Тухлиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д. профессор

Л.Худайкулова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

Ш.Турдимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон фольклоршунослигида миллий бадиий тафаккурнинг ривожланишида алоҳида ўрин эгаллаган қаҳрамонлик эпосининг генезиси, тадрижий ривож ва бадииятини тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқ достонларининг шаклланиш жараёни ва поэтик эволюциясига доир назарий қарашларнинг такомиллаштирилиши натижасида қаҳрамонлик эпосининг генезиси ва типологик хусусиятларига доир илмий қарашлар янгиланди. Бунинг натижасида халқ достонларининг генетик асослари, вариант ва версияларини қиёсий-типологик жиҳатдан тадқиқ этиш асосида миллий эпос тараққиётининг қадимий қатламига мансуб эпик сюжетларнинг манбалари архаик мифология сюжетларига бориб тақалиши аниқланди.

Дунё эпосшунослигида «сайёр сюжет»лар асосида шаклланган эпосларнинг турли версия ва вариантларини ҳозирги замонда қиёсий ўрганиш асосида халқ достонларининг юзага келишига замин бўлган архаик сюжет ва архетипларнинг бадиий эволюциясини ойдинлаштириш тамойили устуворлик қилмоқда. Бу янги назарий концепциялар туркий халқлар эпосини фундаментал тадқиқ қилиш, хусусан, бахши ва жировларнинг ижрочилик маҳорати ва эпик анъананинг тадрижий ривожланиш тамойилларини ойдинлаштиришга асос бўлади. Бинобарин, Оролбўйи минтақаси эпик анъанасида оммалашган қаҳрамонлик достонларининг жаҳон халқлари бадиий тафаккури контекстида қиёсий таҳлили уларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши қадимги архаик даврларга бориб тақалишини кўрсатади.

Ўзбек фольклоршунослигида қаҳрамонлик достонларининг генетик асослари, шаклланиш тарихи ва ўзига хос эпик талқинларини тадқиқ қилиш, бахши ва жировларнинг бадиҳагўйлик маҳоратини атрофлича таҳлил қилиш асосида миллий фольклор анъаналарининг умумжаҳон бадиий тафаккури тизимида тутган ўрнини аниқлашга имконият яратилди. «Турли халқларнинг миллий ўзлигини, уларнинг тили ва ҳаёт тарзини, анъана ва урф-одатларини ифода этадиган бахшичилик санъати умумбашарий маданиятнинг узвий қисми сифатида барчамиз учун қадриlidir. Жаҳон маданий меросининг бу ўлмас асарлари бизга инсониятнинг наслу насаби, тарихий илдизлари, олижаноб идеаллари бир эканини, бинобарин, турли миллат ва элат вакилларининг келажак сари интилишлари ҳам муштарак эканини англатади»¹. Чиндан ҳам бугунги глобаллашув даврида халқимиз бадиий тафаккурининг самараси бўлмиш йирик эпосларни, жумладан, қорақалпоқ қаҳрамонлик достони «Қўблон» каби маънавий қадриятларни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш замон талабидир. Бу ўз навбатида мамлакатимизда олиб борилаётган миллатлараро ҳамжиҳатлик ва дўстлик ғояларига асосланган адолатли сиёсатни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи. – Т., 2019 йил, 7 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳақида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3990-сон «Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида», 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 7 июндаги ПҚ-4354-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Эпос назарияси ва поэтикаси, генезиси ва типологияси, эпик сюжетларнинг тарихий асослари ва бадиий эволюцияси, дostonчилик анъаналарининг миллий ўзига хослиги ва локал хусусиятлари, дostonларнинг вариант ва версиялари, эпик анъананинг ривожланиш тамойиллари ва поэтик тафаккур тадрижида тутган ўрнига доир илмий-назарий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: University of Harvard (USA), University of British Columbia (Канада), Zhōngguó Shéhuì Kéxuéyán (Хитой), Academy of Korean Studies Grant (Корея Республикаси), Institute for Political and International Studies (Эрон), Ege Universitesi (Туркия), Azərbaycan Milli Elmlər Akademiyası Folklor İnstitutu (Озарбайжон), Москва давлат университети, М. Горький номидаги Жаҳон адабиёти институти (Россия федерацияси), Еуразия ўлттық университети (Қозоғистон), Жусуп Баласагын номидаги Қырғыз улуттук университети (Қирғизистон) ва ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Урганч давлат университети, Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон) да йирик илмий натижаларга эришилган.

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий адабиётлар шарҳи: <https://www.harvard.edu>; <https://www.ubc.ca>; <http://cass.sn>; <http://www.ipis.ir>; <http://tdae.ege.edu.tr>; <http://science.gov.az>; <http://kalmsu.ru>; <http://www.enu.kz>; <https://www.knu.kg>; <http://www.til-adabiyot.fan.uz>; <http://urdu.uz> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Жаҳон фольклоршунослигида эпик асарларнинг таснифи, шаклланиш жараёни ва манбалари бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар асосида «Эдиге» достонида қўлланилган этнонимларни тадқиқ этиш натижасида ушбу қаҳрамонлик эпосининг тарихий асослари аниқланган (Universität Bonn, Germany), жаҳон халқлари эпосининг шаклланиши архаик, ўрта аср классик эпоси ва тарихий дostonлардан иборат янги босқични ўз ичига олиши далилланган (University of Harvard, USA), тарихий-генетик ва қиёсий-типологиялик усулларни қўллаш натижасида Марказий Осиё халқлари фольклоридаги эпик сюжетлар трансформацияси ва диффузияланиш хусусиятлари очиқ берилган (University of British Columbia, USA), халқ ижодининг генезиси, типологияси ва бадиий эволюцияси таҳлили асосида Шарқ халқлари эпик ижодиётининг бадиий адабиётга таъсири масалалари ўрганилган (University of Oxford, USA), қадимги хитой мифологияси, афсона ва ривоятларининг ўзига хос хусусиятлари аниқланган (University of Peking, Beijing), ўзбек ва корейс қаҳрамонлик дostonларининг ўзига хос хусусиятлари, сюжетнинг тузилиши ва генезисидаги ўхшашликларни аниқлаш асосида корейс эпосининг тарихий-генетик асослари қадимги туркий эпик аъналарига алақадорлиги аниқланган (Academy of Korean Studies Grant, Корея Республикаси), халқ дostonларининг тарихий-генетик асослари аниқланган (Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти).

Жаҳон фольклоршунослигида қаҳрамонлик эпосининг генезиси ва бадиий эволюциясини ўрганиш бўйича бир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: архаик эпоснинг қадимги мифология билан бевосита боғлиқлигини асослаш; миф ва эпос диффузияси жараёнларини аниқлаш, архаик сюжетларнинг генезиси, манбалари ва тадрижий ривож босқичларини ойдинлаштириш; қаҳрамонлик эпоси поэтикаси ва типологиясини қиёсий-тадқиқ асосида миллий эпик тафаккурнинг ўзига хослигини кўрсатиш ва ҳ.к.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қорақалпоқ қаҳрамонлик дostonларининг генезиси, поэтикаси, типологияси ва бошқа туркий халқлар фольклоридаги эпик сюжетлар билан ўзаро боғлиқлиги масаласи кўп йиллардан буён тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Айниқса, Марказий Осиё туркий халқлари дostonчилиқ ижодиётининг миллий ўзига хослиги ва типологияси, эпик хотира ва эпик билим, бахши ва жиронинг маҳорати, дostonларда вариант ва версия масалалари ҳозирги замон эпосшунослигининг энг янги назарий концепциялари асосида немис олими К. Райхл томонидан «Алпомиш», «Эдиге» сингари қорақалпоқ эпослари мисолида ўрганилган³. Шунингдек, Н. Давқараев, Қ. Айимбетов, И. Сағитов, Қ. Максетов, Х. Ҳамидов, С. Баҳадирова, К. Мамбетов, К. Алламбергенов, Ж. Хошаниязов, К. Палимбетов, Ж. Низаматдинов⁴ сингари

³Райхл К. Тюркский эпос: традиция, формы, поэтическая структура (перевод с немецкого В.Трейтер). – М.: Восточная литература, 2008. – 384 с.

⁴Давқараев Н. Шығармаларының толық жыйнағы. 2-т. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977. – Б. 354; Айымбетов Қ. Халық даналығы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1988. – Б. 491; Ўша муаллиф: Қарақалпақ фольклоры. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977. – Б. 224; Сағитов И. Қарақалпақ халқының қаҳарманлық эпосы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1986. – Б. 354; Максетов Қ. Қарақалпақ қаҳарманлық дәстаны «Қырық қыз». – Нөкис:

тадқиқотчиларнинг асарларида қорақалпоқ халқ дostonларининг генетик асослари, вариантлари ва бошқа халқларнинг версиялари билан типологияси, композицион қурилиши, бадий хусусиятларига доир айрим масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилган. Қаҳрамонлик эпосининг генезиси, поэтикаси ва типологияси бўйича ўзбек⁵, қозоқ⁶, қирғиз ва туркман⁷ фольклоршунослигида жиддий тадқиқот ишлари олиб борилган. Шунингдек, рус, мўғул, олтой, тува, чечен ва ингуш эпослари бўйича чоп этилган илмий-тадқиқот ишларида ҳам эпос назарияси ва эпик сюжетлар типологиясига доир муҳим назарий хулосалар мавжуд⁸.

Қарақалпақ мамлекет баспасы, 1962. – Б. 125; Ўша муаллиф: Қарақалпақ қаҳарманлық дэстанларынын поэтикасы. – Т.: ФАН, 1965. – Б. 334. Ҳамидов Ҳ. Ески қарақалпақ тилиниң жазба естеликлери. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1985. Б. 224; Баҳадырова С. Китаби дедем Қорқыт. Қоблан. Едиге ҳәм хэзирги әдебият ҳаққында ойлар. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1992. – Б. 171; Ўша муаллиф: Қарақалпақ қандай халық. – Т.: Наврўз, 2017. – Б. 256; Мәмбетов К. Әййемги қарақалпақ әдебияты. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1976. Б. 204; Алламбергенов К. Қарақалпақ халық дэстаны «Едиге». – Нөкис: Билим, 1995. – Б. 228; Ўша муаллиф: Миф, ертеқ, тарийх ҳәм дэстан. – Нөкис: НМПИ, 2014. – Б. 103; Хошниязов Ж. Миллий руўхый дўньямыздын сағалары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2007. – Б. 100; Ўша муаллиф: Қарақалпақ қаҳарманлық дэстанлары-миллий қәдириятлар дәреги. – Нөкис: Илим, 2017. – Б. 92; Палымбетов К. «Қорқыт ата китабы» ҳәм қарақалпақ дэстанлары. – Нөкис: Билим, 2010. – Б. 128; Низаматдинов Ж. Карақалпақский народный дастан «Ер Шора» (историко-типологические сравнение): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Нукус, 2000. – Б. 16. ⁵Зарифов Х.Т. Основные мотивы эпоса «Алпамыш» // Об эпоса «Алпамыш». – Т.: АН УзССР, 1959. – С. 8, 9, 13; Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: ГИХЛ, 1947. – С. 519; Мирзаев Т. «Алпамыш» дostonининг ўзбек вариантлари. – Т.: Фан, 1986; Ўша муаллиф: Эпос и сказитель. – Т.: Фан, 2008. – Б. 410; Мирзаев Т., Саримсоқов Б. Дoston, унинг турлари ва тараққиети // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Т.: ФАН, 1981. – Б. 9-61; Раҳмонов Н.А. Орхоно-Енисейские памятники и тюркские эпосы: Автореф. дис. ... докт. филол. наук. – Т., 1991. – Б. 38; Ўша муаллиф: Турк хоконлиги. – Т.: Халқ мероси, 1993. – Б. 144; Саидов М. Ўзбек халқ дostonчилигида бадий маҳорат масалалари. – Т.: Фан, 1969. – Б. 264; Рўзимбоев С. Хоразм дostonлари. – Т.: Фан, 1990. – Б. 96; Ёрматов И. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси бадиияти. – Т.: Фан, 1994. – Б. 186; Имомов К. "Алпамыш" да кураш мотиви // Ўзбек тили ва адабиети. – Т., 2000. – Б. 28-29; Жўраев М. Фольклоршунослик асослари. – Т.: Фан, 2009. – Б. 75-96; Жўраев М., Расулова З. Миф, маросим ва эртақ. – Т.: Mumtoz so'z, 2014. – Б. 308; Турдимов Ш. «Гўрўғли» дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. – Т.: Фан, 2011. – Б. 240; Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. – Т.: Фан, 1991. – Б. 232; Эшонқул Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадий талқини. – Т.: Фан, 2011. – Б. 304; Ўша муаллиф: Миф ва бадий тафаккур. – Т.: Фан, 2019. – Б. 312. ⁶Марғулон Ө. Шоқан және Манас. – Алматы: Ғылым, 1972. – Б. 338; Қоңыратбаев Ө. Қазақ эпосы және түркология. – Алматы: Ғылым, 1978. – Б. 180; Бердибаев Р. Қазақ эпос. – Алматы: Ғылым, 1982. – Б. 228; Сыдыков Т. Глубокие корни. – Алма-Ата: Жазушы, 1975. – С. 3-156; Нурмагамбетова О.А. Казахский героический эпос «Кобланды батыр». – Алма-Ата: Наука, 1988. – С. 191; Ыбраев Ш. Эпос әлемі. – Алматы: Ғылым, 1993. – Б. 290.

⁷Кыдырбаева Р.З. Генезис. Эпоса «Манас». – Фрунзе: Илим, 1988. – С. 290; Жайнакова А. «Семетей» эпосунун тарыхый-генеологиялық негизи. – Фрунзе: Илим, 1982. – Б. 3-175; Сыдыков А. Героические мотивы в эпосе «Манас». – Фрунзе: Илим, 1982. – С. 136; Каррыев Б.А. Эпические сказания о Кер-оглы у тюркоязычных народов. – М.: Наука, 1968. – С. 260; Мамедиязов Б. О поэтике эпоса «Горуглы». – Ашгабад: Ылым, 1984. – С. 115.

⁸Гребнев Л.В. Тувинский героический эпос. Опыт историко-этнографического анализа. – М.: Восточная литература, 1960. – С. 1960; Далгат У.Б. Героический эпос чеченцев и ингушей. – М.: Наука, 1972. – С. 466; Короглы Х.Г. Огузский героический эпос. – М.: Наука, 1976. – С. 240; Мелетинский Е.М. Происхождение героического эпоса. Ранние формы и архаические памятники. – М.: ИВЛ, 1963. – С. 462; Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. – Л.: Наука, 1974. – С. 727; Пропп В.Я. Фолькор и действительность. – М.: Наука, 1976. – С. 326; Путилов Б. Мотив как сюжетобразующий элемент / Типологические исследования по фольклору. – М.: Наука, 1975. – С. 141-181; Суразаков С.С. Алтайский героический эпос. – М.: Наука, 1985. – С. 240; Сағитов М.М. Бошқорт халық эпосынын мифологик нем тарихи нигеззери. – Уфа, 2009. – Б. 280; Хаманов М.П. Бурятский героический эпос «Гэсэр». – Улан-Удэ: Бурятское книжное издательство, 1976. – С. 187; Бурчина Д.А. Гэсэриада западных бурят. – Новосибирск: Наук, 1990. – С. 449; Биткеев Н.Ц. Калмыцкий героический эпос «Джангар». – Элиста: Калмыцкое книжное издательство, 1990. – С. 155.

Демак, эпоснинг тарихий асослари ва тадрижий тараққиёти масаласини қорақалпоқ қаҳрамонлик эпоси «Қўблон»нинг миллий версиялари асосида тадқиқ этиш халқимиз бадиий тафаккурининг шаклланиш тарихи ва ривожланиш босқичларига доир янги илмий-назарий хулосалар чиқариш имконини беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказининг «Қорақалпоқ адабиёти ва фольклорининг долзарб масалалари», «Қорақалпоқ адабиёти ва фольклорини ўқитишда илмий янгиликлардан фойдаланиш усуллари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қорақалпоқ халқ достони «Қўблон»нинг генезиси, типологияси ва поэтик хусусиятларини тадқиқ қилиш асосида Марказий Осиё туркий халқлари эпик анъанасида қаҳрамонлик эпосининг вужудга келиши ва илк эпик сюжетларнинг шаклланишига асос бўлган манбаларни аниқлашдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жаҳон ва туркий халқлар фольклоршунослигида қаҳрамонлик эпосларининг генезиси, поэтикаси ва типологиясини ўрганишнинг устувор тамойилларини ёритиш;

Марказий Осиёда кечган этногенетик жараёнлар ва архаик эпоснинг «Қўблон» достони сюжетининг шаклланишига таъсирини аниқлаш;

«Қўблон» достонининг қорақалпоқ версиясидаги анъанавий мотивлар тизимини қиёсий-типологик таҳлил қилиш асосида дoston генезисини ойдинлаштириш;

«Қўблон» достонининг туркий ва мўғул-бурят халқлари қаҳрамонлик эпоси билан сюжет, композиция, эпик образ ва мотивлар тизимига кўра муштарак ва фарқли хусусиятларини очиб бериш;

«Қўблон» достони қорақалпоқ ва қозоқ версиялари сюжетининг тарихий-генетик илдизлари муштарак манбага бориб тақалишини далиллаш;

достоннинг жировлар эпик репертуарида тутган ўрни, анъана ва бадиҳагўйликнинг эпик матнга таъсири ҳамда дoston поэтикасини ўрганиш;

анъанавий рақамлар тизимининг дoston сюжетидаги макон ва замон (хронотоп) тасвиридаги бадиий-эстетик вазифаларини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Қўблон» достонининг ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлими фундаментал кутубхонасининг қўлёзмалар фондида сақланётган қўлёзмалари, шунингдек, турли йиллардаги нашрий нусхалари, жумладан, «Қорақалпоқ фольклори» кўп томлигининг саккизинчи (1981) ҳамда ўн учинчи жилдларидаги (2009) матнлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети қорақалпоқ халқ достони «Қўблон»нинг генезиси, типологияси ва поэтикаси, достоннинг пайдо бўлиш ҳамда шаклланиш манбалари, жанр хусусиятлари, композицион тузилиши, сюжет қурилиши, образлар тизими, эпик мотивлар таркиби ва асар бадииятини таъминловчи тасвирий воситалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тарихий-қиёсий, тарихий-генетик, қиёсий-типологик ва бадий-эстетик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ халқ достони «Қўблон»нинг миллий версияларини қиёсий таҳлил қилиш асосида Марказий Осиё туркий халқлари қаҳрамонлик эпосининг пайдо бўлиши уруғ-қабилачилик даври фольклоридаги архаик сюжетлар ва мифопоэтик тасаввурларнинг бадий эволюцияси билан боғлиқ эканлиги исботланган;

достон сюжетининг туркий ва мўғул-бурят халқлари фольклоридаги ўзига хос миллий версиялари тарихий-генетик жиҳатдан муштарак манба асосида юзага келганлиги далилланган;

«Қўблон» достони туркий версияларини ўрта аср эпоси контекстида қиёсий-тадқиқ этиш натижасида «Китоби дадам Қўрқут» ҳамда «Ўғузнома» каби ёдгорликлар анъанавий эпик сюжет ривожига таъсир кўрсатганлиги асослаб берилган;

достон сюжетида патриархал-уруғчилик даврларига хос маиший турмуш тарзининг акс этиши ва кўчманчилик маданиятига мансуб қадриятларнинг поэтик трансформациясига асосланган ҳолда қаҳрамонлик эпосининг қадимий намуналари қипчоқ тип туркий этнослар эпик анъанасида шаклланганлиги исботланган;

жировларнинг бадиҳагўйлик иқтидори ва индивидуал ижрочилик маҳорати туфайли анъанавий эпик сюжет тараққий этиб, бадий жиҳатдан ўзига хос миллий версиялар пайдо бўлганлиги аниқланган;

қаҳрамоннинг эпик биографияси – ботирнинг туғилиши, сафарива уйланиши мотивларининг тасвирида қадимги архаик мотивлар, мифологик қараш ва эътиқодлар, экзогамик никоҳ анъанасининг ифодаси сақланиб қолганлиги кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жаҳон эпосшунослигидаги қаҳрамонлик достонлари билан боғлиқ илмий-назарий концепцияларнинг қорақалпоқ фольклоршунослиги тараққиётида тутган ўрни асослаб берилган;

достоннинг тарихий асосларини ёритиш ва унинг шаклланишига асос бўлган манбаларни аниқлаш жараёнида архаик эпоснинг тадрижий тараққиёти ва мифологик сюжетларнинг қаҳрамонлик эпоси генезисида тутган ўрни ойдинлаштирилган;

достон миллий вариантларининг ёзиб олиниши, тавсифланиши ва нашр қилиниши, халқ жировларининг эпик сюжетни бадий талқин қилишдаги ўзига хос ижодий услуби ва асар мазмунини баён қилишдаги ижрочилик маҳорати қиёсий таҳлил қилинган;

достон қаҳрамонларининг ташқи душманларга қарши жангу жадаллари тасвирида халқнинг эркинлик ва озодликка эришиш йўлидаги мардонавор кураши, элга, ватанга бўлган беқиёс муҳаббати акс этганлиги контекстуал таҳлил ёрдамида исботланган;

«Қўблон» достонининг Имомкули, Есемурат, Арзимбет, Давлетмурат, Аскар, Карам жировларвариантлари композицион тузилиши, сюжет линиялари таркиби вағоявий мазмун жиҳатидан яқинлиги ҳамда Жанибек ва Ережеп жиров вариантлари қозоқ версияси билан ўхшашлигига кўра улардан фарқ қилиши кўрсатиб берилган;

«Қўблон» достони матнидаги бадий тасвир воситалари, поэтик кўчим ва рамзлар, эпик сонлар тизими ҳамда параллелизмларнинг функционал-семантик хусусиятлари ойдинлаштирилган.

достоннинг туркий халқлар ва мўғул-бурят эпослари билан алоқадорлиги қиёсий тарихий-генетик, тарихий-типологик йўналишда ўрганилиб, қаҳрамонлик эпосининг шаклланиши муштарак эпик анъана доирасида воқеланганлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар, унда фойдаланилган назарий маълумотларнинг ишончли илмий ҳамда бадий манбалардан олинганлиги, назарий хулосалар ва таклифларнинг амалиётта кенг татбиқ этилганлиги, илмий хулосаларнинг қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, қиёсий-генетик усулларга асосланганлиги, олинган натижаларнинг тегишли муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қорақалпоқ қаҳрамонлик достони «Қўблон»нинг генезиси, типологияси ва поэтикаси бўйича чиқарилган хулосалар ҳамда эпик асарлар бўйича олиб борилган илмий-назарий мулоҳазалар туркий халқларнинг оғзаки эпик меросини қиёсий-тарихий-типологик, тарихий-генетик йўналишда ўрганиш ва жировлар репертуарининг индивидуал хусусиятларни аниқлашда муайян даражада назарий асос бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация материаллари ва хулосаларининг олий ўқув юртларида қорақалпоқ фольклори бўйича маърузалар ўқиш, қаҳрамонлик достонлари генезиси, типологияси ва поэтикасига доир махсус курс ва семинар машғулотларини ўтказиш, қорақалпоқ фольклори фанидан дарслик ва ўқув қўлланмаларни тузиш, талабаларнинг курс ва битирув ишларини бажаришида ёрдамчи материалсифатида, шунингдек, фольклор асарларини тарғиб ва ташвиқ қилишда қўлланиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоқ қаҳрамонлик достони «Қўблон»нинг генезиси, типологияси ва поэтикасини тадқиқ этиш орқали олинган натижалар асосида:

тадқиқотнинг «Қўблон» достонининг жанр хусусиятлари, миллий версия ва вариантларининг ўзига хослигини тадқиқ этишга оид материаллари ҳамда назарий умумлашмаларидан Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган Ф1-ФА-0-43429, ФА-Ф1, Г002 рақамли «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ қилиш» (2012-2016) фундаментал тадқиқотида фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2020 йил 10 декабрдаги

17.01/142 -сонли маълумотномаси). Натижада мазкур илмий лойиҳаларнинг қорақалпоқ халқ дostonлари сюжетининг тарихий-генетик асослари, туркий халқлар эпик анъанасидаги типологик муштаракликлари ва поэтик ўзига хослигини ўрганишга бағишланган фасллари тайёрланган;

диссертациянинг қорақалпоқ халқ дostonи «Қўблон»нинг сюжетининг туркий халқлар ёзма ёдгорликлари билан алоқадорлиги, туркий халқлар эпоси контекстида тутган ўрни, генезиси ва шаклланиш тарихи, типологияси, поэтикаси, бадиияти, ижрочилар бадиий маҳоратига оид илмий-назарий хулосалари қорақалпоқ тилида таълим берадиган ўрта мактабларнинг тадқиқотчининг муаллифлиги ва ҳаммуаллифлигида ёзилган 6-синф (Нукус шаҳри, «Билим» нашриёти, 2017), 8-синф (Нукус шаҳри, «Билим» нашриёти, 2019) ва 10-синф (Нукус шаҳри, «Билим» нашриёти, 2017) «Адабиёт» дарсликларида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 11 ноябрдаги ЖК-78-сонли маълумотномаси). Натижада қаҳрамонлик эпосининг вужудга келиши ва тадрижий ривожига оид илмий концепцияларнинг жорийланиши орқали дарсликларнинг назарий савияси яхшиланишига эришилган;

«Қўблон» дostonининг бадиийхусусиятлари, жанрий ўзигахослиги ва жировларнинг бадиҳагўйлик маҳоратига боғлиқ масалалар таҳлили асосида чиқарилган илмий хулосалар Қорақалпоғистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси томонидан ташкиллаштирилган ёш ижодкорлар семиналарида маъруза сифатида жорийланган (Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасининг 2020 йил 29 октябрдаги 78-сонли маълумотномаси). Натижада ёш ижодкорларга қорақалпоқ халқ дostonлари ва дostonчилик анъаналарининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида умумий тушунчалар берилган;

тадқиқотнинг халқ дostonлари композицияси, сюжети ва мотивлар таркиби, ғоявий-бадиий хусусиятлари билан боғлиқ назарий хулосаларидан Қорақалпоғистон телерадиокомпаниясининг «Гавҳар сўзлар», «Адабиёт ва давр», «Халқ хазинасидан», «Мерос», «Халқ дурдонасидан» номли телекўрсатувларни тайёрлашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Телерадиокомпаниясининг 2020 йил 17 ноябрдаги 01-02/230-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатув ва радиоэшиттиришларнинг илмий-оммабоплиги таъминланган ҳамда миллий қадриятларимизнинг маънавий-маданий тараққиётда тутган ўрнини ёшлар орасида кенг тарғиб қилишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда қилинган маърузаларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация натижалари бўйича 37 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, 1 та рисола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижалариничоп этиш учун тавсия қилинган илмийнашрларда 15 та мақола, шулардан, 4 та хорижий, 11 та республикаилмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 263 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришқисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилиш даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қўблон» достонининг қорақалпоқ вариантлари ва унинг жировлар репертуарида тутган ўрни»** деб аталган биринчи боби уч фаслдан иборат. Бобнинг **«Қўблон» достони миллий вариантларининг тўпланиши ва ўрганилиши тарихи»** деб номланган илк фаслида халқ жировларидан достон матнини ёзиб олиш, нашр этиш ва тадқиқ қилиш масалалари ўрганилган. Достон XX асрнинг бошида дастлаб рус олими И.А. Беляев томонидан Имомқули жировдан ёзиб олинган бўлса, кейин 1939 йили Есемурат жировдан, 1959-60-йиллари Арзимбет, Давлетмурод, Аскар, Жанибек, Ережеп ва Карам жировлардан ёзиб олинган бўлиб, унинг қорақалпоқ тилидаги саккиз варианты мавжуд.

Н. Давқараевнинг қайд этишича, 1936 йилдан бошлаб қорақалпоқ фольклори ва адабиёти ҳақида илмий тадқиқот бошланган⁹. Шу йиллардан бошлаб қорақалпоқ фольклорининг йирик эпик асарлари ҳисобланган «Алпомиш», «Қирқ қиз», «Эдиге» достонлари ва «Қўблон» эпосини ҳам таҳлил қилишга киришилган. Масалан, 1945 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг Нукус шаҳрида ўтказилган кўчма сессиясида О. Кожуров «Қорақалпоқ адабиёти ва унинг тадқиқ қилиниши» мавзусида маъруза қилиб, «Қўблон» достонини қаҳрамонлик эпоси гуруҳига киритади, асар мазмуни ва географик атамаларига тўхталиб, достонни қозоқларнинг «Қўблонди ботир» эпоси билан қисқача қиёсий талқин қилади. Олим «қозоқ достони «Қўблонди» чиройли ва образли бўлса-да, бироқ қорақалпоқ достони «Қўблон»даги мардлик ва ботирлик амалларининг талқини жуда қизиқарли. Қорақалпоқ достони мазкур эпоснинг қозоқ версиясидан кейин пайдо бўлган»¹⁰, деган фикрни билдиради. Гарчи О. Кожуровнинг фикрлари муайян аниқликни талаб қилса-да, ўша даврда «Қўблон» достони бўйича билдирилган илк жиддий қиёсий тадқиқ натижаси сифатида муҳим аҳамиятга эга. Аммо XX асрнинг 50-йилларга келиб мамлакатдаги мавкуравий сиёсий курашнинг кўзғалиши туфайли «Алпомиш», «Қўблон», «Эдиге» каби миллий мерос дурдоналарига нисбатан равишда буржуа-феодал даврни ифода этадиган, халққа ёт ғояларни ташувчи достонлар деган асосиз айбловлар

⁹Давқараев Н. Шығармаларының толық жыйнағы. 2-т. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977. – Б. 34-35.

¹⁰Кожуров О. Шығармалары (мақалалар хәм аўдармалар). – Нөкис: Қарақалпақстан, 1988. – Б.43.

қўйилиши натижасида кўплаб эпослар қатори «Қўблон» достонини ўрганиш ишлари ҳам бир қанча тўхтаб қолди. 1952-1954 йиллари «Қўблон» достонини мактабларда ўқитиш ҳамда асар юзасидан тадқиқот ишлари тўхтатилди¹¹.

Шу йилларда достонни ўринсиз айбладан асраш бўйича А.К. Боровков, Н. Давқараев, Қ. Айимбетов, Б. Исмайлов, И. Сағитов, Қ. Мақсетов каби фидойи олимлар бир қанча ишларни амалга оширишди. Хусусан, Н. Давқараев 1951 йили собиқ иттифоқ Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти илмий кенгашида «Қорақалпоқ адабиёти тарихининг очерклари» мавзуидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Тадқиқотчи ишнинг «Қорақалпоқ оғзаки халқ ижоди» деб аталган биринчи бўлимида фольклорнинг барча жанрлари қатори «Алпомиш», «Қўблон», «Қирқ қиз» достонларини биринчи маротаба нисбатан кенг кўламда таҳлилга тортди¹². 1954 йилнинг июнида эса А.М. Горький номидаги Жаҳон адабиёти институти билан Шарқшунослик институтининг ташаббуси билан ўтказилган эпосларни тадқиқ қилиш масалалари бўйича қўшма йиғилишда миллий эпосларни тўплаш ва тадқиқ қилиш масаласи ўртага ташланиб, биринчи навбатда «Алпомиш», «Қўблон» эпосларини тадқиқ қилишнинг зарурлиги қайд қилиб ўтилди. Ўша йили Нукусда қорақалпоқ тили ва адабиёти бўйича илмий анжуман ўтказилиб, унда Б. Исмайловнинг маърузаси тингланди ва миллий эпосларга нисбатан билдирилаётган икки хил муносабат қаттиқ танқид қилинди. Маърузада «Алпомиш», «Масподшо» достонлари билан биргаликда «Қўблон» эпосига ижобий муносабат билдирилди¹³. Ўша даврда миллий эпосларнинг бадиий-эстетик аҳамияти ва уларни ўрганиш зарурлиги хусусида рус олимларидан В.М. Жирмунский, А.К. Боровков, Л.И. Климович, ўзбек олими Х.Т. Зарифовлар жиддий илмий тадқиқотлар яратишди. Айниқса, А.К. Боровковнинг «Вопросы изучения тюркоязычного эпоса народов Средней Азии и Казахстана» деган мақоласида ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, туркман ва бошқа халқлар эпосларининг халқчиллиги ва бадиий хусусиятларига доир қимматли фикрлар билдирилган.

«Қўблон» достонининг қорақалпоқ жировларидан ёзиб олинган миллий вариантлари бўйича ўтган асрнинг 50-йилларининг охири – 60-йилларнинг бошларидан эътиборан маҳаллий олимларимиз томонидан тадқиқот ишлари олиб борилди. Шу йиллари И. Сағитов «Қорақалпоқ халқининг қаҳрамонлик эпоси» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Олимнинг мазкур тадқиқоти алоҳида китоб ҳолида чоп этилди¹⁴. Китобнинг иккинчи бобида «Қўблон» достони борасида муайян маълумотлар қисқача шарҳ тарзида келтирилган. 1965 йили Қ. Айимбетов «Қорақалпоқ жировлари», 1966 йили Қ. Мақсетов «Қорақалпоқ халқ қаҳрамонлик достонлари поэтикаси» мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилишди. Қ. Айимбетовнинг тадқиқотида Есемурат жиров ижро қилган «Қўблон»

¹¹Кожуров О. Шығармалары (мақалалар хэм аўдармалар). – Нөкис: Қарақалпақстан, 1988. – Б. 98.

¹²Дәўқараев Н. Шығармаларының толық жыйнағы. 2-т. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977.

¹³Мақсетов Қ. Қарақалпақ фольклористикасы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1989. – Б.113.

¹⁴Сағитов И. Қарақалпақ халқының қаҳарманлық эпосы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1986.

достони ҳақида илмий фикрлар билдирилиб, достоннинг генезиси ва шаклланиши даври X-XII асрлардаги қорақалпоқларнинг уруғ-қавмлик анъаналарига боғланади¹⁵, деган фикр билдирилган бўлса, Қ. Мақсетовнинг тадқиқотида қорақалпоқ халқининг бошқа қаҳрамонлик достонлари билан қаторда «Қўблон» достонининг жанр ва композицион хусусиятлари, поэтикаси, лексик бойлиги, образлар таркиби, бадиий тасвир воситалари, воқеаларни баён қилишда назм ва насрнинг поэтик функциялари, эпик шеър қурилиши масалалари ҳақида сўз юритилган¹⁶.

Шунингдек, бобнинг ушбу фаслида Қ. Мақсетов, Н. Жапақов, С. Баҳадирова каби қорақалпоқ олимларининг ишлари билан бир қаторда қозоқ олими О. Нурмағамбетованинг тадқиқотлари кўриб чиқилиб, «Қўблон» достони бўйича билдирилган фикр-мулоҳазаларга муносабат билдирилган.

Бобнинг «**Достоннинг яратилиш даври ва жанр хусусиятлари**» деб номланган иккинчи фаслида достон генезиси ва шаклланиш манбалари IX-XIII асрлардаги ўғуз-қипчоқ эпик анъаналарига бориб тақалиши асосланган. Достонда патриархал-уруғчилик муносабатларига алоқадор ижтимоий воқеликнинг излари сақланиб қолганлиги кўрсатиб берилган. «Қўблон» достони қорақалпоқ версияси билан генетик жиҳатдан ўзакдош ҳисобланган қозоқча «Қўбилонди ботир» эпоси бўйича тадқиқот ишларини олиб борган А. Қониратбаев ва О. Нурмағамбетова ҳам мазкур эпоснинг қозоқ версияси уруғ-қабилачилик даврида шаклланган, деган хулосага келишган¹⁷. «Қўблон» достони ва бошқа қаҳрамонлик эпослари сюжетининг тарихий асослари қадимги уруғ-қабилачилик даврига бориб тақалиши кўпчилик фольклоршунослар томонидан қайд этилган. Айнан шу даврларда фольклорнинг кўп жанрлари, жумладан, қаҳрамонлик эпосининг илк намуналари юзага келган¹⁸. Шу боис, XX асрнинг 60-йилларида «Қўблон» достони бўйича тадқиқот ишини олиб борган проф. И. Сағитов «Қўблон» достонини «соф қаҳрамонлик эпоси»¹⁹ сифатида талқин қилган. Дарҳақиқат, мазкур достоннинг сюжет қурилишини ташкил этувчи анъанавий мотивлар таркиби шаклланиш тарихига кўра кўпқатламли бўлиб, қорақалпоқ халқи ижтимоий ҳаётининг турли даврларига хос воқеаларни ўзида акс эттирганлиги сабабли ушбу достонни янги давр маҳсули эмас, балки қадимги архаик даврга мансуб эпик анъана асосида шаклланган қаҳрамонлик достони сифатида тавсифлаш мақсадга мувофиқдир.

Шунга кўра, мазкур достонда дев, дуохон, жодугар, ёғоч от каби мифик тимсолларнинг тасвирланиши, табиат култи билан алоқадор эврилиш мотивининг сеҳрли жой тош (яъни яда тоши) воситасидаги талқини, шунингдек, булутдан от пайдо бўлиши, наҳангни миниб сувда сузиш, қаҳрамон ва унинг оти бошқа мавжудотга айланиши, парилар шаҳрининг ўз жойидан кўчиши, париларнинг гоҳ қаптарга, гоҳида қизга айланиши сингари

¹⁵ Айымбетов Қ. Халық даналығы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1968. – Б. 112-114.

¹⁶ Мақсетов Қ. Қарақалпақ қаҳарманлық дэстанларының поэтикасы. – Т.: Фан, 1965.

¹⁷ Қоңыратбаев Ә. Қазақ эпосы және түркология. – Алматы: Ғылым, 1987. – Б.139-159; Нурмағамбетова О. Қазақтың қаҳармандық эпосы «Қобыланды батыр». – Алматы: Дәшти қыпшақ баспа үйи, 2003.

¹⁸ Гусев В.Е. Эстетика фольклора. – Л.: Наука, 1967. – С. 227-228.

¹⁹ Сағитов И. Қарақалпақ халқының қаҳарманлық эпосы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1986. – Б.167.

эпик мотивлар, борса келмас, ер ости дунёси, сув ўртасидаги шаҳар ва ер ости ўлкаси сингари мифик макон талқинлари асосида «Қўблон» достонининг генезиси ва манбаларида қадимги мифологик тасаввурлар ҳамда эътиқодий қарашлар (анимизм, тотемизм, фетишизм, магия) ўз ифодасини топганлиги асослаб берилди. Достон матнидаги мифологик тасаввурлар персонажларнинг қаҳрамонлиги ва ботирлигини бўрттириб тасвирлашга хизмат қилишини кўрсатиб, асар мазмунини бойитиш ва бадиийлигини орттиришга ижобий таъсир этиши исботланди.

Тадқиқотда «Қўблон» достонининг сюжет тизими ва мазмунида қаҳрамонлик достонларига хос эпик мотивларнинг қадимий типлари сақланганлиги мазкур асар ўзининг жанрий мансубиятига кўра «қаҳрамонлик достонлари» гуруҳига киришини кўрсатади. Достон композицион қурилишидан ўрин олган бефарзандлик, қаҳрамоннинг ғайритабиий туғилиши ва вояга етиши, жанговар от ва қуролга эга бўлиш, ўзига муносиб жуфт излаш, илк қаҳрамонлик кўрсатиш, душманга қарши жанг қилиш сингари мотив ва эпизодлар қаҳрамонлик достонларига хос анъанавий эпик сюжет элементлари сифатида таҳлил қилинди.

Бобнинг «**Достоннинг қорақалпоқ миллий вариантларининг қиёсий-типологик хусусиятлари**» деб аталган учинчи фаслида қорақалпоқ жировларидан ёзиб олинган барча вариантлар композицион тузилиши, сюжети ва мазмуни бўйича қиёсий ўрганилди. Бунда ҳар бир жировнинг ижро услуби, бадиҳагўйлик маҳоратини ва ўзига хос хусусиятларини аниқлашга ҳаракат қилинган. Вариантларни қиёсий тадқиқ қилишнинг аҳамияти ҳақида В.М. Жирмунский ва Ҳ.Т. Зарифов: «Фақат халқ яратган асарларнинг вариантларини таққослаш йўли орқали уларнинг яратилиши тарихини, эпик асарнинг эртадаги салоҳиятини ва ҳар хил ижрочи: жиров ёки жировлар мактаби томонидан ижодиёт билан кетма-кет қайта ишлаш хусусиятини тиклаш мумкин. Шу билан бирга, шундай таққослаш бизга ҳар бир мактабнинг хусусиятлигини ва яқка ижрочи маҳоратидаги у ёки бу салоҳиятини кўрсатади»²⁰, – деган фикрни билдиришган. Эпосшуносликда муҳим илмий аҳамият касб этган ана шу концепция «Қўблон» достонининг вариантларини қиёсий тадқиқ этишга назарий асос вазифасини ўтади.

«Қўблон» достонининг қорақалпоқча вариантлари орасида тўлиқ ва катта ҳажмлиси Есемурат ва Карам жиров ижро қилган вариантлар ҳисобланади. Имомқули, Асқар, Арзимбет, Давлетмурод жировлардан ёзиб олинган вариантлар эса мазмунан тўлиқ эмаслиги, шунингдек, Ережеп ва Жанибек жиров вариантларининг композицион тузилиши ва сюжети қозоқ халқининг «Қўбилонди ботир» достонига ўхшашлиги аниқланди.

Ҳар қандай давр ижтимоий ҳаётининг ўзига хос бадиий талқини достонларнинг экспозициясида ўз изини қолдиради. Масалан, аксарият қаҳрамонлик эпосларининг бошлама қисми фарзандсизлик мотиви билан боғлиқлиги анъанавий ҳодиса ҳисобланади. Бу мотив Есемурат ва Ережеп

²⁰Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: Художественная литература, 1947. – С. 486.

жиров вариантларида кенг кўламда тасвирланган бўлиб, қадимги даврларга хос архаик элементларнинг излари яхши сақланиб қолишини таъминлаган. Достоннинг Карам ва Жанибек жиров вариантларида эса бефарзандлик мотиви жуда қисқа баён қилиниб, бу анъанавий мотивнинг баъзи бир қолдиқларигина сақланиб, ғайриоддий туғилиш билан боғлиқ лавҳа тушириб қолдирилган. Достонларда шундай ҳолатларнинг мавжудлиги ҳақида академик Т. Мирзаев: «айрим мотивлар йўқола боради ёки уларнинг изи қолади, янги мотивлар киритилади ва қўшила боради»²¹, –деб ёзади.

«Қўблон» достонининг вариантларини таққослаш натижасида жировлар устозларидан ўрганган, яъни ёд олинган анъанавий матнни ижро этиш билан чекланиб қолмасдан, достонга ўзгача муносабат билдириб, бадихагўйлик билан ўзгариш киргизиб куйлаганликлари аниқланди. Есемурат, Карам, Асқар, Арзимбет ва Давлетмурод жировларнинг вариантлари аслида мазкур достоннинг Нурабулла жиров эпик репертуаридаги намунасига асосланса-да, айрим мотив, детал ва эпизодларни тасвирлашда ҳар бир жиров ўзига хос усулда куйлагани, муайян воқеликнинг бир вариантда мавжуд эпик талқини иккинчисида учрамаслиги ва ҳар бир ижрочи эпик матнга ўзига хос тарздаёндошганлиги кузатилади. Шунинг учун ҳам профессор Қ. Мақсетов: «асосий сюжет, асосий воқеа, асосий образ, асосий бадиий ифода воситалари мунтазам сақлангани билан ҳар бир ижрочининг қисқартиб ёки батафсил, узун ёки қисқа, қўшиб ёки олиб, қисқаси, баъзи бир ўзига хос хусусиятларни аралаштириши орқали муайян бир вариантни яратиши мумкин»²², – деб ёзади. Олим тўғри таъкидлагинидек, достоннинг тўлиқ бўлмаган намуналари, яъни Имомқули, Асқар, Арзимбет, Жанибек ва Давлетмурод жиров вариантларида мавжуд бўлган айрим эпизод ёки деталлар мазкур эпоснинг энг тўлиқ деб ҳисобланган Карам ва Есемурат жиров вариантларида учрамайди. Ушбу етти жировнинг вариантларини ўзаро таққослаганда, айниқса, Карам жиров анъанавий матнга бирмунча ўзгариш киргизиб куйлаганлигини ва вариантларнингичидаги энг кўламлиси ушбу жировга мансуб вариант эканлигини кўраимиз.

Энг мукамал саналадиган Есемурат ва Карам жиров вариантларини ўзаро қиёслаганда уларнинг умумий сюжет тузилиши ва ғоявий йўналиши муштарак хусусиятларга эгаллиги сезилади. Карам жиров вариантыда ташқи душманлар дуохон ҳамда сеҳрли магик куч соҳиблари сифатида тасвирланган. Бу ўринда Карам жиров сеҳрли-фантастик эртақларга хос эпик талқинни қадимги мифологик тушунчалар билан моҳирона омухталаштира олган. Карам жиров достоннинг архаик сюжетига хос ўзак мотивларни сақлагани ҳолда достон матнига ижодий муносабатда бўлган.

Маълум бўлишича, Карам жировнинг отаси Нағим жиров «Қўблон» достонини ўзининг чимбойлик устози Туримбет жировдан ўрганган бўлса, Есемурат жировнинг отаси Нурабулла жиров ҳам даставвал бу достонни ушбу жировдан ўрганган. Бироқ Карам жиров ҳам, Есемурат жиров ҳам

²¹Мирзаев Т. «Алпомиш» достонининг ўзбек вариантлари. – Т.: Фан, 1968. – Б. 27.

²²Мақсетов Қ. Дастанлар, жыраўлар, бақсылар. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1992. – Б. 145.

достонни ўзига хос услубда бадиий талқин қилиб, бадиҳагўйлик асосида бойитиб ижро этишган. Бундан қатъи-назар, ўғуз-қипчоқлар замонидаги уруғ-қабилачилик муносабатлари ва тарихий воқеалар билан кўхна архаик сюжет синкретизмини сақлаб, қаҳрамонлик достонларига хос эпик анъананибор бадиияти билан кейинги авлодларга етказиб беришда Есемурат жиров варианты бадиий жиҳатдан ўзининг юксаклиги билан ажралиб туради. Достон қорақалпоқ версиясининг қиёсий таҳлили натижасида Имомқули, Карам, Есемурат, Арзимбет, Давлетмурат ва Асқар жиров вариантлари устоз-шогирдлик алоқалари воситасида Нурабулла жиров мактаби эпик анъанасининг тараққиёти натижасида бизгача етиб келганлиги аниқланди.

Диссертациянинг иккинчи боби «Эпик сюжетнинг генезиси ва «Қўблон» достонида анъанавий мотивлар тизими» деб аталади. Унинг «Ботирнинг туғилиш мотиви. Қаҳрамоннинг эпик таржимаи ҳоли» деб номланган биринчи фаслида эпик қаҳрамоннинг ғайритабиий туғилиши, унинг вояга етган давргача бўлган ҳаёт йўлини баён этувчи мотивлар илмий таҳлил қилинган. Достоннинг экспозициясиданоқ уруғ-қабилачилик даврига хос ижтимоий ҳаёт тенгсизлигининг тасвирланиши, бойлик, мол-дунё, ҳокимият учун талашиб-тортишишларданжабрланган ва азобланганқавмни ҳимоя қиладиган ботирнинг йўқлиги ва унинг туғилиши зарурлиги ҳақидаги халқ қарашлари билан боғлиқ воқеалар тасвирланади.

Достонда фарзандсиз қарияларнингболали бўлиши, яъни қаҳрамоннинг ғайритабиий туғилишини илоҳий кучлар биланбоғлаш, фарзанд сўраб боболар руҳига сиғиниш (Оллоҳ инояти, парилар, эранлар, чилтанларнинг дуоси ва ҳ.к.) натижасида бола дунёга келиши мотиви сақланган. Достонда исломдан бурунги даврларга мансуб анимистик қарашлар ва аждодлар культига сиғиниш, ота-боболар руҳидан мадад тилаш, улар ётган мазор ёки сағана ёнида тунаш каби мифологик элементлар ҳам ўз ифодасини топган.

Эпик анъанага кўра, бефарзанд қария ўзига зурриёд тилаб авлиёларга сиғинганидан кейин тўсатдан тонгда унинг тушигакирган «пири» туғилажак бола ҳақида баён беради. Шундай қилиб, воқеанинг бошланишида берилган туш мотиви орқали ўз халқига тенглик ва ҳурлик олиб келадиган ботирнинг туғилиши олдиндан маълум бўлади. Натижада достон матнида қўлланган туш мотиви функционал жиҳатдан келгусида рўй берадиган воқеалар ва сюжетнинг ривожланишини белгилаш вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам ўзбек фольклоридаги туш мотиви бўйича тадқиқот ишини олиб борган олим Ж. Эшонқул: «туш мотивига хос бўлган асосий хусусиятлардан бири унинг кўпинча бошқа мотивларни ўзи билан бирга етаклаб келишидир»²³, – деб ёзади. Ҳақиқатдан ҳам, Қўблоннинг отаси Қидирбойнинг кўрган туши орқали ботирнинг туғилиши мотиви юзага келади.

Ботирнинг дунёга келишига сабабчи бўлган Қизир Ильёс пир эпик қаҳрамоннинг ҳомийси ва раҳномаси сифатида тасвирланади²⁴. Қизир образи туташган бир уруғ ёки қавмнинг ғамхўри даражасидан аста-секинлик билан

²³Эшонқул Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини. – Т.: Фан, 2011. – Б 153.

²⁴Акрамов Ғ. Манистик мифология /Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 4-китоб. – Т.: Фан, 2011. – Б. 19.

якка шахсларнинг, яъни ботирларнинг мададкори сифатида трансформация қилинади. Достонда Қизир Ильёс пир мифологик образ сифатида талқин қилиниши билан бир қаторда яхшилик, адолатлилик, ҳақиқатгўйлик ва тенглик томонида туриб Қўблонга ёрдам беради. Тадқиқотда эпик қаҳрамоннинг туғилиш мотивининг генезиси ва бадиий талқини «Қўблон» достонидан олинган мисоллар ёрдамида кенг таҳлил қилинган.

Достонда Қўблоннинг бирданига вояга етганлиги ҳақида сўз юритилиб, ўсмирлик даврига қадар бўлган таржимаи ҳоли айтилмайди. Ушбу ҳолат барча туркий халқларнинг эпосларида, жумладан, қорақалпоқ халқининг «Алпамыс», «Эдиге», «Масподшо» каби достонларида ҳам учрайди. Демак, қорақалпоқ достонларининг сюжет қурилиши ҳам туркий халқлар эпоси тузилиши билан муштарак хусусиятга эга.

Халқ эпосига хос бу хусусият ҳақида В.Я. Пропп: «қаҳрамоннинг тез орада вояга етиб қолишига назар солсак, ушбу ҳолат реинкарнация (Шарқ динларида одам ўлгандан сўнг жонининг бошқа танага кўчирилиши) билан боғлиқ мифик тасаввурларга алоқадорлиги маълум бўлади. Ушбу ҳолат қаҳрамоннинг ғайриоддий туғилиши лавҳаси билан боғланиб, унинг тез вояга етиш мотивига ойдинлик киргизади. Агар ғайритабиийтуғилган қаҳрамон ўлиб, қайта тирилган табиат тимсоли бўлса, вояга етган қаҳрамон ўзининг шу ёшида қайта дунёга келади. Лекин у гўдак бўлиб туғилади, сабаби, аёл катта одамни туға олмайди, бироқ, гўдак бўлиб туғилса-да, у тез орада катта бўлиб кетади»²⁵, – деган фикрни билдиради. Бизнингча, эпик қаҳрамон илоҳий кучлар таъсирида туғилган фарзанд сифатида талқин қилинганлиги учун унинг вояга етиши тасвирига тегишли хронологик кетма-кетлик талаб қилинмайди. У туғилганидан бошлаб илоҳий-магик кучга эга, деб тасаввур қилинади. Қаҳрамоннинг дастлаб илоҳий кучларнинг талабларини бажариб, сўнг уруғ ёки қавмбошиларнинг эҳтиёжларини яқунловчи образ сифатида трансформацияланиши туркий эпик анъанага хос муштарак мотивлардан бири ҳисобланади. Тадқиқотда «Қўблон» достони қаҳрамонининг эпик таржимаи ҳолига хос шу жиҳатлартаҳлил қилинди.

Бобнинг иккинчи фасли **«Қаҳрамоннинг уйланиши мотиви»** деб аталади. Достон сюжетининг кейинги воқеалари Қўблоннинг қаҳрамонона хатти-ҳаракатлари, унинг илк мардлигини кўрсатиб ҳақиқий ботир номини олиши (яъни «алп аталиши»), ўзига муносиб ёр излаши ва уйланиши мотивларини ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам академик М. Ғабдуллин «жировлар Қўблоннинг туғилиши, болалик даври ва Қурткага уйланиши воқеаларини айтиб, буларнинг барчаси ботирнинг буюк ишларга тайёргарлик жараёни, деган хулосага келади»²⁶, – деб ёзган эди. Қўблоннинг жуда ёш пайтида жуфт қидириб бошқа юртга отланиши патриархал-уруғлик жамиятидаги экзогамик никоҳ удумининг эпик талқини ҳисобланади. Чунки бундай оилавий-никоҳ муносабатларига кўра ботир ўз элидан, ўзи мансуб бўлган қавм ёки уруғдан ўзига муносиб қиз танлаши мумкин бўлмаганлиги

²⁵Пропп В.Я. Фольклор и действительность. – М.: Наука, 1976. – С. 237-238.

²⁶Ғабдуллин М. Қазақ халқының аңыз әдебиеті. – Алматы: Мектеп, 1974. – Б.210.

сабабли ёр излаб ўзга юртга отланади. Дунё эпосларидаги сингари қахрамоннинг ёш вақтидаёқ ўз жуфтини қидириб узок юртга сафар қилиши қорақалпоқ қахрамонлик достони «Алпамыс»да Алпамыснинг Гулпаршинни, «Масподшо»да Масподшонинг Ойпарчани излаши билан боғлиқ воқеалар тафсилотига уйқаш келади. Ботирнинг узок юртга ёр излаб кетиши ва қўйилган қийин шартларнибажариб, душманларини енгиб (йўлда Аланғасар Алип дев билан кураши ва уни ўлдириши), ўз элига соғ-саломат қайтиб келиши бош қахрамоннинг мифик ҳомий кучлар – эранлар паноҳидаги чинакам алп эканлигини билдиради. Шундай қилиб, Қўблоннинг ўзга юртга қилган илк сафари уйланиш мотиви билан боғлиқлиги мазкур эпоснинг қорақалпоқ версиясини ташкил қилувчи барча вариантлар учун муштарак хусусият эканлиги аниқланади.

Демак, ботирнинг ўзи туғилиб ўсган элидан узокқа – ўзга юртларга илк бор отланиши ўзига муносиб ёр топиб оила куриш мақсадини кўзлаган бўлса, унинг кейинги сафарлари достоннинг асосий ғоясини юзага чиқаришга хизмат қилади, яъни бу юришлар қахрамоннинг ўз эли, қавмини босқинчи ёвлардан ҳимоя қилиш, ташқи душманларга қарши курашиш учун қилинган сафарлар сифатида мотивлаштирилган. Кўпгина қахрамонлик эпослари ва эртактларнинг композицияси шундай тузилишга эгаллигини қайд этган Е.М. Мелетинский «эпоснинг архаик шаклларида ботирлик ҳақидаги эртактларга ўхшаб қахрамоннинг «ўзига аташтирилган қизни» айттириш мавзулари кенг тарқалган (қахрамоннинг поэтик биографиясида – бу зарур бўлган элементларининг бири)»²⁷, – деб ёзган эди. Достонда ботирнинг ўзига муносиб қизга уйлангандан кейинги ҳаётининг баёни ҳамда умр йўлдоши образи достон сюжетида асосий ва ҳал қилувчи аҳамият касб этиб, ботирнинг эпик таржимаи ҳолини тўлдиришга хизмат қилади.

«Қўблон» достони қорақалпоқ вариантларининг барчасида эпик қахрамон бир никоҳга содиқ бўлиб қолади. Қозоқча Мергенбай жиров вариантыда эса Қўблонди ботир Кўбиклининг қизи Қарлиғани Қуртқанинг устига иккинчи хотинликка олади. Бу каби патриархал уруғчилик даврига хос анъананинг излари достоннинг қорақалпоқ вариантларида учрамайди. Бу ҳолат «Қўблон»нинг қозоқ вариантыда ўрта аср ўғуз эпоси «Китоби дадам Кўрқут» яратилган даврларга оид урф-одатларнинг излари сақланганлигини далиллайди. Бу ҳақда профессор А. Қўнғиратбаев: «Кўрқут» достони патриархал жамиятнинг урф-одатлари асосида яратилган асар бўлганлиги сабабли ўғуз эпоси таъсири мавжуд, чунки ўғузлар ботирга икки хотин олдирмайди. Бу ҳолат қозоқ эпосида ҳам мавжуд. Қўблондига икки хотин олдирган Мергенбай вариантыда феодал урф-одати унсури сақланган»²⁸, – дея таъкидлаган эди. Демак, «Қўблон» достонининг қорақалпоқ вариантларида ўғузлар замонидаги патриархал-уруғчилик даври никоҳ тартиблари, яъни моногам оилавий муносабат – фақат бир никоҳ билан чекланиш анъанаси тўла сақланиб қолган.

²⁷Мелетинский Е.М. Народный эпос / Теория литературы. Роды и жанры. – М.: Наука, 1964. – С.50.

²⁸Қоңыратбаев Ә. Қазақ эпосы және түркология. – Алматы: Ғылым, 1987. – Б. 153.

Достонда Қўблоннинг Қуртқага уйланиш мотивидан ташқари, бошқа қаҳрамонларнинг ҳам уйланиш мотиви бир неча ўринда кузатилади. Хусусан, Есемурат жирова вариантыда енгилган элни бўйсундириш ва тутқун бўлган кизни (Қизполвонни Қўблоннинг тутинган бобоси Айилли Ўроққа бериш) хотинликка олиш, иккинчи томондан яккама-якка курашда енгилиб, ўлжа бўлган аёлга (Қизполвонга Қўблоннинг ўғли Мирза Сойимнинг) уйланиши ҳарбий-демократик жамиятдаги қаҳрамонна уйланиш анъанасининг яққол кўриниши саналади. Ушбу сюжет типига мансуб асарларда тасвирланган воқеаларда матриархат даврига хос урф-одатларнинг излари сақланиб қолган. Чунки Маскав-Тураба шаҳри Шаркли дев ҳукмронлигидаги шаҳар, аммо достон сюжетида Шаркли дев билан Хизр дев, Алалай билан Булалай образлари эпизодик персонажлар сифатида тасвирланган бўлиб, хотин-қизлар, яъни Девкамбир билан Қизполвон образларининг функционал қамрови кенгайиб кетган. Лашкарлар ўртасида юз берган қонли тўқнашувларда аёлларнинг иштирок этиши, уларнинг ҳарбий битим тузиб, яккама-якка олишув шартини қўйиб, ҳал қилувчи қарорга келиши матриархат даврига хос ҳаётини воқелик ифодасидир. Достондаги уйланиш мотивлари тасвирида ҳарбий-демократик жамият даврининг талаб ва тартиб-қоидалари сақланиб қолганлиги достон матнининг таҳлиги асосида далилланган.

Ушбу бобнинг «**Қаҳрамонга қарши кучлар ва ботирнинг ғалабалари тасвири**» деб номланган учинчи фаслида ўтмиш-тарихимиздаги уруғ-қабилачилик, патриархал-феодал даврларда бот-бот такрорланиб турадиган урушлар, босқинчилик юришлари, хон атрофидаги зўравон амалдорларнинг зулмкорлиги ва талончилик сиёсати «Қўблон» достонида ҳам муайян даражада бадиий инъикосини топганлиги илмий жиҳатдан асослаб берилган. «Қўблон» достонининг асосий мазмуни халқнинг ташқи душман тазйиқидан қутилиш мақсадида олиб борган кураши билан белгиланади²⁹.

Эртак ва достонларда эпик қаҳрамоннинг ўз ватанига ёв ҳужум қилганлиги ҳақидаги хабарни дастлаб хон(подшолар)дан эшитиши ҳамда ботирнинг узоқ юртдан олиб келган қайлиғини тортиб олиш мақсадида ҳукмдорларнинг ҳийла ишлатиши мотивлари кўп учрайди. Қаҳрамонлик достонларига хос ушбу типологик ҳодиса «Қўблон» достонида ҳам мавжуд. Бироқ Қўблон билан Ақчахон ўртасидаги қарама-қаршилик адолат билан зулм ўртасидаги курашга айланиб, асарда одамийлик, инсоф ва ҳақиқат, тенглик каби халқчил ғояларни ташувчи омил тусини олган ҳамда Қўблон образининг моҳиятини очишда ҳал қилувчи вазифа бажарган.

Достон сюжетида қаҳрамонга қарши курашган антогонистик характердаги персонажлар – дев, дуохон, фолбин, жодугар каби афсонавий ҳамда зулмкор хон, бий сингари ҳаётини образлардир. Баъзан уларнинг қўли ботирниқидан баланд келиб, ҳатто олишув пайтида қаҳрамонни енгилшга ҳам муяссар бўлишади, ҳатто уни асир олишга эришишади. Аммо улар дуо ва сеҳр-жодувоситасида устун келадилар. Бундай тасвирлар асарнинг Карам

²⁹Мақсетов Қ. Қарақалпақ қаҳарманлық дэстанларының поэтикасы. – Т.: Фан, 1965. – Б. 82.

жиров вариантыда сезиларли ўрин эгаллаган. Девкамфирдуохонлик йўли билан Қўблондаги оддий чакмоқ тошнинг сеҳрли кучини қайтариш учун ер остида ётиб, уч ой афсун-дуо ўқийди. Достонда ёвузлик рамзи саналган Девкамфирнинг бу ҳаракатлари олтойликларнинг қаҳрамонлик эпоси «Маадай Қора» достонидаги Кўгудей мерганнинг ер ости оламига тушиб, душман юрагини излаганини эслатади. Демак, Девкамфирнинг ертўлада туриб дуохонлик қилиши қаҳрамоннинг «ўзга олам»га сафари билан боғлиқ қадимги мифологик тасаввурнинг достонда сақланиб қолган излари эканлигини кўрсатади.

Достонда Қўблоннинг рақиби Ақчахоннинг ҳийлакорона хатти-ҳаракатлари бўрттириб тасвирланган. Сайдимхон юртидан ўз қайлиғини олиб келган Қўблон билан хон ўртасида мол, ер-сув, яйлов ва бойлик учун тортишув мотиви патриархал уруғчилик даврига хос конфликтларнинг эпик талқини бўлиб, хоннинг ҳийла билан қаҳрамонни ўлдириш учун тўй бериб, оломонпойга уюштириши, шунингдек, девни чақириб курашга солиши қадимги ўтмишдан қолган тарихий воқелик изларини эслатади. Достон турли тарихий даврларга хос қатламлардан иборат бўлишига қарамай, туб сюжет асосларини сақлаб қолган. Шунинг учун ҳам фольклоршунос олим Ш. Турдимов: «ҳар қандай эпик асарнинг пайдо бўлиши ва бу кунгача етиб келган тадрижий йўлини белгилашда энг муҳим омиллардан бири асар сюжетидир. ...сюжет пайдо бўлган давр унсурларихеч қачон изсиз йўқолиб кетмайди. Улар кейинги авлодлар учун тушунарсиз, сирли бўлиши мумкин, лекин анъана сифатида яшаб келаверади. Бу ҳол энг аввало, сюжет асосини тутиб турувчи, у пайдо бўлган давр дунёқараши мисолида яққол намоён бўлади»³⁰, – деб ёзади. Демак, «Қўблон» достонининг сюжетда ҳам архаик эпосга хос чизгилар сақланиб қолган.

Қўблон ёвуз кучларга қарши биринчи юришида Азизли қалъасидаги Қўбикли ва унинг лашкарлари билан савашган бўлса, иккинчисидаюртида қолган оиласи ваёлу халқиниасир олиб кетган Алшағир ғайридинга қарши жанг қилади. Учинчисида эса, Маскав-Тураба шахридаги Девкамфирга қарши юриш қилади. Шу тарзда Қўблоннинг ташқи душманларга қарши юришлари бир неча йилларга чўзилади. Шу ораликдаги замон ва макон ўлчамлари эпик анъанага мувофиқ тарзда юксак бадиият билан баён қилинади. Достонда Қўблоннинг Маскав-Тураба шахридаги жанги баёнида воқеалар ривожига ғоят кескин ва мураккаб тус олади. Шаҳар соҳибаси Девкамфирнинг еттипахлавон ўғли билан бўлиб ўтган муҳорабада қўлланилган амаллар – айёрлик ва ҳийла билан оқилона қилинган, душман томонидан кутилмаган ҳарбий ҳаракатларнинг тасвири ишонарли ва таъсирчан чиққан. Ишнинг шу фаслида достон матнида қадимги уруғ-қабилачилик даври тартиб-қоидаларининг эпик ифодаси сақланиб қолганлиги тегишли мисоллар орқали далиллаб берилган.

Диссертациянинг учинчи боби «Достоннинг туркий халқларва мўғул-бурят эпослари билан қиёсий-типологияси» деб аталади. Бобнинг илк фасли «Достоннинг қорақалпоқ ва қозоқ версиялари» мавзуйига

³⁰Турдимов Ш. «Гўрўғли» достонларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. – Т.: Фан, 2011. – Б.12-13.

бағишланган бўлиб, «Қўблон» достонининг икки халқ фольклоридаги миллий версияларининг сюжети ва композицияси, образлар тизимининг яратилиши, тарихий-генетик яқинликлари билан боғлиқ хусусиятлари ўрганилган.

Қозоқ олимларининг тадқиқотларида «Қўбланди ботир» асарини ижро этган Марабай, Нурпейис, Мурин, Айса сингари оқин-жировларнинг барчаси ғарбий Қозоғистон минтақасида – Қизилўрда, Оқтўба, Ўрол вилоятларида эл орадаб жировчилик этишгани, айримлари эса ўша худудда туғилиб ўсишгани қайд этилган. Шунинг учун ҳам профессор И. Сағитов «ушбу худудларга яқин жойлашган (Қорақалпоғистоннинг Чимбой, Тахтақўпир, Қўнғирот, Амударё каби шимоли-ғарбий туманларидаги – К.П.) қорақалпоқ халқининг жануби-ғарбий Қозоғистондаги қардошлари билан сиёсий-иқтисодий ва маданий алоқалари кўп замонлардан буён мавжудлигини биламиз. Қозоқча «Қўбланди ботир» достонининг энг кўп тарқалган ўринлари ҳам ушбу Ғарбий Қозоғистон ва Оқтўба вилоятлари ҳисобланади»³¹, – деб ёзган эди. Достоннинг қорақалпоқлар орасида ва Қозоғистоннинг жануби-ғарбий вилоятларида кенг тарқалиши тарихий ва ижтимоий-сиёсий вазият билан ҳам боғлиқдир. Бунинг исботини асарнинг қорақалпоқ жировларидан ёзиб олинган вариантлари орасида тахтақўпирлик Жанибек жиров Асқаров ҳамда қўнғиротлик Ережеп жиров Тилевмағамбетовдан ёзиб олинган вариантлари қозоқ версиясига ўхшашлигида ҳам кўриш мумкин.

Диссертацияда достоннинг қорақалпоқ версияси қозоқ оқини Мергенбай жиров варианты билан қиёсий тадқиқ этилиб, икки халқ версиясида ҳам қаҳрамонлик эпосларга хос анъанавий эпик мотивлар (фарзандсизлик, хилхоналарда тунаш, пирнинг тушга кириб келажакдан мужда бериши, аёлнинг йиртқич ҳайвонлар гўштига бошқоронғи бўлиши, қаҳрамоннинг туғилиши, тез вояга етиши каби) мавжудлиги ёритилган.

Достоннинг икки миллий версиясида ҳам Қўблоннинг ўз ёри Қуртқани ватанига олиб келишидан аввалги эпик таржимаи ҳоли берилган. Бунда қаҳрамоннинг туғилиши шунчаки тасодиф эмас, балки ўз халқи пешонасига битилган тақдирнинг сийлови – халқини турли зулм ва зўровонлар зуғумидан, босқину хавф-хатардан ҳимоя қилувчимард ва жасур, бир сўз билан айтганда, халқ идеалини ўзида тажассум этган шахс – алпнинг майдонга келишини таъкидлашга хизмат қилади. Қўблоннинг юртига келин бўлиб келатган Қуртқанинг кўримликка ботир учун от сўраши детали эса бўлғуси келин ҳам қаҳрамондан кам бўлмаган фазилатлар соҳибаси, яъни бош қаҳрамонга ҳар томонлама муносиб маъшуқа эканлигини далиллайди. Маъшуқадаги ижобий хислатлар Қуртқанинг отлар орасидан энг яхши, учқур ва чиройли отни танлаб олиб, ундан туғилган тойни меҳр бериб парваришлаши жараёнида янада ёрқин акс этган. Қуртқанинг келин бўлиб тушган уйига тез мойиллашиб, рўзғор ишларини ўз гарданига олиши, бу ишларни бекаму кўст бажариши эса қадимги матриархат давридан қолган анъананинг излари, дейишимиз мумкин.

³¹Сағитов И. Қарақалпақ халқининг қаҳрамонлик эпоси. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1986. – Б. 99.

Қозоқ версияси қиётлар ботири Қараманнинг қипчоқ ботири Қўблон билан ҳамжиҳатликда босқинчи – қизилбошлар хони Қозонхон устига юриши тасвири билан бошланади. Ташқи ёвларга қарши курашнинг бошланиш жараёни тафсилотларикорақалпоқча Ережеп ва Жанибек жиров вариантларида ҳам мавжуд. Имомкули, Есемурат, Карам, Асқар, Арзимбет жировлар ижросида ёзиб олинган қорақалпоқ вариантларида эса қахрамон раҳнамолигидаги ҳарбий юришларнинг барчаси ўз юртининг хони Ақчахоннинг ҳийлакорлиги ва адолатсизлиги сабабли рўй беради. Шу боис, В.М. Жирмунский: «... фақат ҳар хил версияларни қиёслаш натижасидагина улар орасидаги яқинлик ва тафовутли томонлар аниқланиши мумкин»³², – деб ёзган эди. Қиёсий таҳлил натижасида қозоқча версияга нисбатан қорақалпоқ вариантларида жанг лавҳалари кенг кўламда тасвирланганлиги аниқланди.

Диссертацияда қорақалпоқча «Қўблон» ва қозоқча «Қўбланди ботир»достонлари сюжетикасини қиёслаб қараганимизда, икки миллий версияда ҳам қахрамоннинг Алшағирни енгиб, тутқунликдаги қипчоқ халқини озод қилишига қадар бўлиб ўтган воқеалар баёнида типологик ўхшашликлар мавжудлиги маълум бўлди. Бироқ баъзи сюжет элементлари, эпик мотив ва деталлар тасвирида ўзигахосликлар мавжуд. Шунинг учун ҳам Н. Давқораев икки халқ версиялари ҳақида: «Қўблон» достонининг қорақалпоқча, қозоқча вариантларида кўпгина жиддий фарқлар бўлишига қарамасдан бу асарларнинг асоси, келиб чиқиш манбаи ва тарихий илдизи бир бўлиши керак»³³, – деган тўғри илмий хулосага келган эди. Дарҳақиқат, қорақалпоқ ва қозоқлар тарихий-иктисодий, маданий-маънавий ва этнографик жиҳатдан азалу абад бир-бирига жуда яқин халқлардир. Достоннинг қорақалпоқ ва қозоқ версияларини сюжет қурилиши, образлар тизими, жировларнинг бадихағўйлик иқтидори ва ижро маҳорати, ғоявий-бадий хусусиятлари жиҳатдан қиёсий тадқиқ этиш натижасида бу эпосларнинг генетик илдизлари муштарак негизга бориб тақалади, деган илмий хулосага келинди.

Ушбу бобнинг «Ўғузнома» ёзма ёдгорлиги билан алоқадорлиги» мавзусига бағишланган иккинчи фаслида, ўрта аср ўғуз эпосининг туркий халқлар эпик мероси, шу жумладан қорақалпоқ қахрамонлик достони «Қўблон»нинг композицион сюжет қурилиши, эпик мотивлар тизими, образлар ифодаси ва бадий-тасвирий воситаларидаги таъсири қиёсий ўрганилган.

«Ўғузнома» ёзма ёдгорлиги сюжетида Ўғузхоннинг ҳарбий юришлари, жангу жадаллардаги ботирлиги, қавмларни бириктириш учун олиб борган мардона ишлари билан бирга халқни ҳамжиҳатликка, адолатпешаликка чақириш ва она юртни чет эл босқинчиларидан ҳимоя қилиш ғояси ифодаланса, «Қўблон» достони сюжетининг туб моҳияти зулмкорликни қоралаш, ёвузликка нисбатан муросасизлик, мамлакат ва халқни

³²Қаранг: Жирмунский В.М. Алпомиш ҳақида эпик достон ва Гомернинг «Одиссея»си / «Алпомиш» – ўзбек халқ қахрамонлик эпоси. – Т.: Фан, 1999. – Б. 181.

³³Давқораев Н. Шығармаларының толық жыйнағы. 2-т. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977. – Б. 217.

босқинчилардан ھимоя қилиш, эл тинчлиги учун қирқ йигитдан иборат лашкарларни ёвларга қарши отлантириш, ھийлакор душман ھужумидан сақланишдек эзгу ғоялар ётади. Ишнинг бу фаслида ҳар икки асар бош қаҳрамонларининг жангавор юришларида ва ботирлик ҳаракатларида ўзаро муштараклик мавжудлиги конкрет мисоллар асосида далиллаб берилган.

Профессор А. Қўнғиратбаев ҳам «Ўғузнома» туркий халқлар фольклоридаги кўпгина қаҳрамонлик дostonларининг яратилиши ва шаклланишида эпик асосий манба вазифасини ўтаганини эътироф этар экан, «Ўғузнома» асари насрда ёзилган бўлса-да, кейинги замонларда шаклланган «Бўзўғлон», «Гўрўғли», «Алпомиш», «Қўблон», «Манас», «Қўрқут» дostonларининг юзага келишига таъсир кўрсатган»лигини қайд этади³⁴. Диссертацияда ҳар икки асарни қиёсий ўрганиш натижасида ўрта аср ўғуз эпоси «Ўғузнома» «Қўблон» дostonи сюжетининг шаклланишида етакчи манба вазифасини бажарганлиги асослаб берилган.

Бобнинг «Китоби дадам Қўрқут» ёзма ёдгорлиги ва «Қўблон» дostonи» деган учинчи фаслида ўрта асрларда Сирдарё бўйларида яшаган ўғуз-қипчоқ қавмлари эпик анъанаси муҳитида юзага келган «Китоби дадам Қўрқут» ёзма ёдгорлиги билан «Қўблон» дostonи қиёсий таҳлилга тортилган.

«Китоби дадам Қўрқут» асари сюжетининг қорақалпоқ эпоси билан ўхшаш жиҳатлари кўп бўлишига қарамадан, туркий-ўғуз эпоси ўзининг қадимийлиги билан ажралиб туради. Ўғуз-қипчоқ қавмлари узоқ йиллар давомида сахрою даштларда кўчманчилик турмуш тарзида умргузаронлик қилгани сабабли ушбу асарда исломга қадар мавжуд бўлган шомонистик, анимистик ва тотемистик қарашларнинг қолдиқлари ҳамда мифологияга алоқадор мотивлар ўз аксини топган. Бу ҳақда академик Б. Назаров: «Китоби дадам Қўрқут»да исломгача бўлган тарихга оид туркий халқларнинг ҳаёти, этник ҳодисалар ҳам ўз ифодасини топган»³⁵, – деган фикрни билдиради. Бинобарин, «Қўблон» дostonи сюжетида ҳам қадимги туркийларнинг мифология қарашлари ва этнографик реалиялари сақланиб қолган.

Профессор А. Қўнғиратбаев ҳам: «Қўрқут...» асарининг сюжети барча кейинги қавмлар эпосига ўтган»³⁶, – дея таъкидлайди. Бу эса туркий халқларнинг кўпчилик дostonлари сюжетидаги ўхшашликлар «Китоби дадам Қўрқут» ёзма ёдгорлигининг эпик таъсири билан алоқадорлигини кўрсатади. Лекин «Китоби дадам Қўрқут» эпоси оғзаки ижрода оммалашган матн асосида XV асрда Кавказ минтақасида қисқартирилган ҳолда ёзувга туширилган. «Қўблон» дostonи эса қадимги уруғ-қабилчилик даврларида баҳодирлик эртаги, эпик қўшиқ ва ривоят сифатида оғзаки ижро этилган бўлиб, унинг илк сюжет асослари ўғуз-қипчоқлар замониде шаклланган, деган хулосага келдик. Диссертацияда «Қўблон» дostonи билан «Китоби дадам Қўрқут» эпоси сюжетининг ўзаро қиёсий таҳлили асосида уларнинг шаклланишига қайсисининг кўпроқ таъсири бўлганлигини, ёинки қайсиси асосий эпик манба вазифасини

³⁴Қўнғиратбаев Э. Қазақ эпосы және түркология. – Алматы: Ғылым, 1987. – Б. 277.

³⁵Назаров Б. «Қўрқут ота китоби» ҳақида // Ёшлик. – Т., 1988. – № 5. – Б. 39.

³⁶Қўнғиратбаев Э. Кўрсатилган асар. – Б. 80.

ўтаганлигини аниқлаш мақсадида икки асарнинг композицион қурилиши, сюжет ва образлар тизими, айрим эпизод, деталь ва мотивлар талқинининг моҳияти қиёсий ўрганилган.

Ушбу бобнинг «Қўблон» достони ва мўғул-бурят эпослари» деб аталган тўртинчи фаслида мўғул-бурят халқларининг қаҳрамонлик «Жангар» ва «Гэсэр» дostonлари «Қўблон» эпоси билан қиёсий типологик йўналишда ўрганилган.

«Жангар» ва «Гэсэр» дostonларининг барча версиялари кўчманчи ва ярим ўтроқлашган чорвадор халқларининг маиший турмуши, маънавий ҳаёти, ёвузлик ва яхшиликка нисбатан этик ва эстетик ёндашувлари, тинчлик ва мустақиллик учун ёвуз кучларга қарши олиб борган кураши ўзига хос тарзда тасвирланган. Бу асарларнинг моҳиятини ташкил этувчи мардлик ва адолатпарварлик, она ватан ва эл-юртга нисбатан меҳр-муҳаббат, зулмкорликни қоралаш, золим ва ишратпараст мансабдорларга қарши нафрат ғоялари «Қўблон» достони сюжетида ҳам муайян даражада ўзаро уйғунликда тараннум этилганлиги исботланган.

Қиёсий таҳлил жараёнида мўғул-бурят ва қорақалпоқ эпослари сюжетида асосий воқеалар ривожидан аввал фарзандсизлик, эпик қаҳрамоннинг ғайритабиий туғилиши ва ботир шажарасининг қандай машҳур шахслар билан боғлиқлигини баён этиш анъанаси мавжудлиги, ўзга юртдан ёр излаш ва уйланиш, чет эллик босқинчиларга қаршикураш мотивларининг мавжудлиги сингари типологик ўхшашликлар борлиги аниқланган. Хусусан, «Қўблон» достонида Қўблон билан ёвлашган дев, дуохон, ғайридин қалмоқлар, золим хон ва бийлар образи тасвирланган бўлса, «Жангар» эпосидаги ботирнинг рақибни золим элбоши ва унинг қарамоғидаги қонхўр ва бешафқат полвонлардир. «Гэсэр» достонида эса қаҳрамоннинг ўзи ҳам, рақиблари ҳам сеҳру жоду билан иш кўрадиган мифик куч-қудрат эгалари сифтида тасвирланади. Шунинг учун ҳам «Гэсэр» достони архаик эпосга хос қадимий мотивлар ва мифологик тасаввурлар асосига қурилгани билан ажралиб туради. Бу хил қадимий даврларга хос сюжет элементлари «Жангар» ва «Қўблон» дostonларида ҳам мавжудлиги диссертацияда конкрет мисоллар орқали далилланди.

Тадқиқот жараёнида «Қўблон», «Жангар», «Гэсэр» дostonларини қиёсий ўрганиш натижасида уларнинг сюжетида бир-бирига ўхшашликдан кўра кўпроқ фарқли хусусиятлар кўпроқ эканлигимамълум бўлди. Аммо уларнинг асосий ғояси муштараклиги, барча дostonлар она юртни, элу халқни ички ва ташқи душмандан ҳимоя қилиш, зулмга, тенгсизликка, ёвузликка қарши кураш сингари қарашларни тарғиб этиши билан ўзаро яқинлик касб этиши мисоллар воситасида очиб берилди. Тадқиқотда қорақалпоқ ва мўғул-бурят дostonларидаги айрим типологик ўхшашликлар мавжудлиги «...бу халқларнинг этногенезида баъзи умумий компонентлар ҳамда ўзаро яқин тарихий муносабатлар бўлганлигини кўрсатиши»³⁷, яъни кўчманчилик ва

³⁷Нурмағамбетова О. Қазақтың қаҳармандық эпосы «Қобыланды батыр». – Алматы: Дәшти Қыпшақ баспа үйи, 2003. – Б. 158.

ярим ўтрок турмуш тарзини кечирган номадик маданиятга мансуб халқларнинг эпик анъаналари умумий негизга эга бўлганлиги асосланган.

Диссертациянинг тўртинчи боби «Достоннинг поэтик қурилиши ва бадий-тасвирий воситаларининг вазифалари» деб аталган бўлиб, унинг биринчи фасли «Достон поэтикасида жировларнинг ижрочилик ва бадиҳагўйлик маҳорати масалалари»га бағишланган. Бу фаслда достондаги жировларнинг асар композицион яхлитлигини таъминлашда бир қисмни иккинчи қисм билан ёнги ҳар бир қисмни тегишли мотив, эпизод ва бадий деталлар билан уйғунлаштиришдаги ўзига хос маҳорати ўрганилган.

Достоннинг экспозициясиданоқ қаҳрамонларнинг ижтимоий-маиший турмуш тарзи, хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари, одамгарчилик ва пасткашлик хосиятлари бор зиддияти билан контраст бўёқларда тасвирланган. Яъни достон сюжетида бадий ифоданинг контраст усули бошдан-оёқ истифода қилиниб, бадий ғоянинг қабарик акс этиши ва образларнинг жонли чиқишини таъминлаган. Жировлар достон композициясида адолат билан зулмнинг, ёвузлик билан эзгуликнинг, эркинлик билан мутеъликнинг доимий зиддияти, курашини контраст рангларда тасвирлаш орқали халқчил ғояларни ўртага ташлашга ҳаракат қилишгани сезилади. Достон композициясида қўлланилган бадий тасвирий воситалар (ўхшатиш, кўчим, эпитет, истиора, муболаға, гипербола ва ҳ.к.) ҳар бир образ, ғоя ва воқеа мазмунини очишга қаратилган бўлиб, диалог ва монологлар, ижрочи муносабатини ифодалаган муаллиф нутқи кўринишидаги матний парчалар – ҳаммаси бош қаҳрамон характеридаги муҳим қирраларни очиш ҳамда асарнинг бош ғоясини тингловчига етказишга хизмат қилган. Чунончи, Қўблон Қуртқа қўйган шартни бажариш мақсадида арча дарахтини отишга шайланганида Қўқлан кампир: «Отолмасангизил гулдай сўларсан, Қўлингдан келмас-ов сенинг, тойчоғим»³⁸, – дейди. Бу ўринда «гулдай сўларсан» ўхшатиши Қўблоннинг ёшлигини назарда тутган кампир тилидан ўринли ишлатилган. Шу пайтда Қўблон ўзининг ёшлиги ва арчани отиб туширишга кучи етишига шубҳаланиб: «Ёш боламан, талаб қилдим арчага, Қувват бер болага чилтарлар пирим»³⁹, – деб пирларидан кўмак сўраб, илтижо қилади.

Жиров ҳар бир диалогни бошлашдан аввал наср ёки шеърий шаклда воқеалар баёнига аниқлик киритади. Қаҳрамонлар диалоглари кутилмаганда, тўсатдан бошланиб кетавермасдан, қаҳрамон хатти-ҳаракати, ташқи қиёфаси ва тасвирланаётган воқеа-ҳодисага нибатан муносабати тўғрисида қисқача маълумот беради. Чунончи, Қўблоннинг Алп дев билан учрашуви лавҳаси шундай тасвирланган:

Алаңғасар Алип дэў,
Жатыр екен жол тосып,
Келе берди кейнинен,
«Тур ҳа, тур!» – деп тез басып,
Сары жайы қолында,

³⁸Қарақалпақ фольклори. Көп томлық. «Қоблан». 8-т. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1981. – Б. 38.

³⁹Ўша манба. – Б. 39.

Жатқан екен мына дәў,
Қуртқаның жүрер жолында⁴⁰.

Мана шу тарзда жиров дастлаб Алп девнинг нима сабабдан йўлтўсарлик қилиши ҳақида сўз юритади-да, сўнгра девнинг ўзини тасвирлайди, девнинг ўзини гапиртириб, гўё аввал берилган маълумотларни тасдиқлайди. Девнинг қисқа монологидан сўнг Қўблоннинг жавоби ҳам дафъатан бошланиб кетмасдан жиров томонидан Қўблон характериға чизгилар қилинади:

Сонда турды мәрт Қоблан,
Бендеден қайтар ер емес,
Кеўли өскен баланың,
Жүреги дәўден кем емес,
Дәўлер менен мәрт Қоблан,
Қарсыласып келади⁴¹.

Ушбу олти мисрада Қўблон образига хос асосий сифатлар ўз ифодасини топган, десак хато бўлмайди. Кейин рақиблар орасидаги диалог бошланади. Шу алфоздаги жиров баёнидан сўнг суҳбат бошланиши сюжетни ташкил этувчи воқелик моҳиятини ойдинлаштириб, мазмунни теранлаштиради. Шу тариқа бош қаҳрамон характериғи белгиловчи жиҳатлар, унинг фикру ўйлари, мақсади жиров томонидан қаҳрамонга берилган таъриф-тавсифлар воситасида очиб берилади. Чунки қаҳрамонни «душман паҳлавонларига қарама-қарши қўйиб тасвирлаш жараёнида мотив-характеристика воситаси муҳим роль ўйнайди»⁴². Диссертацияда жиров томонидан берилган тавсиф – характеристика қаҳрамонлар орзу-интилишлари, мақсади ва ўй-хаёлини очиб беришнинг энг қулай бадиий усули эканлиги исботланган.

Жировлар тасвирланаётган воқеани шеърий мисраларда аниқ ўлчов ва қофияга солиб, маромини (ритмини) жойига келтириб ифодалайдилар. Улар дostonни ижро этиш жараёнида бадиият талаблари асосида лексик бирликларга кўчма ва рамзий маъно бахш этишга алоҳида диққат-эътибор қаратиши дoston матнининг қарийб барча қисмларида сезилиб туради. Чунончи, ҳар бир жиров ўз бадиҳагўйлик иқтидори даражасида отнинг чопиши, яккама-якка кураш, қиличбозлик, найзобозлик каби жанг лавҳалари ва эпизодларни ўзига хос тезоб ритмика ва шеърий ўлчов билан тасвирлайдиларки, бу нарса қаҳрамонлар ҳолат-руҳиятини гавдалантириш, тингловчининг баён этилаётган воқеаларга қизиқишини орттириш ва уни руҳан воқеа ичига олиб киришни таъминлайди. Чунончи, уч ойу ўн кунлик йўлга чиққан эпик қаҳрамоннинг ҳолати ботирнинг турли хатти-ҳаракатлари, гоҳ от чопиши, гоҳ эгар-жабдукнинг жаранги, баъзан қурол-аслаҳа товушига монанд ритмда ифода этилади. Жировлар қўллаган бу хил ассоциатив тасвир усулининг эпик матн поэтик табиатини белгилашдаги аҳамияти диссертацияда конкрет мисоллар асосида ёритилган.

Жировлар куйлаётган асарнинг шунчаки ижрочиси бўлибгина қолмай, унинг ижодкори ҳамда асар мазмунини халқнинг ўзига юксак бадиият

⁴⁰Қарақалпақ фольклори. Көп томлық. «Қоблан». 8-т. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1981. – Б. 45.

⁴¹Ўша манба. – Б. 45-46.

⁴²Ыбраев Ш. Эпос әлемі (қазақтың батырлық жырларының поэтикасы). – Алматы: Ғылым, 1993. – Б.253.

намунаси тарзида етказувчи беназир иктидор эгаларидир. Шунинг учун ҳам бобнинг ушбу фаслида «Қўблон» достони ижрочи-жировларининг достондаги воқеаларга муносабати, қаҳрамон образи, унинг хатти-ҳаракати ва ички кечинмаларини жонлантириши, мотив ва деталлар, табиат манзараларини акс эттириши, хатто муайян воқеа-ҳодиса ҳақида билдирган шахсий фикр-мулоҳазалари ўрганилиб, тегишли хулосалар чиқарилган.

Бобнинг иккинчи фасли «**Достон қурилишида бадий-тасвирий воситаларнинг ўрни**» деб номланади. Адресатга (китобхон ёки тингловчига) тақдим қилинаётган асар воқеалари тафсилоти, қаҳрамонларнинг ички ва ташқи қиёфаси, ҳаракат – сажияси тасвирида юксак бадийликка эришиш, пировад – натижада асар таъсирчанлигини ошириш ҳар қандай ижодкор учун, шу жумладан, жировлар учун ҳам ғоявий-эстетик мақсад саналади. Халқ оғзаки ижоди биринчи навбатда сўз санъати намунаси бўлгани учун халқ тилига, унинг луғавий бойлигига таяниб иш кўради. Бадий тасвир воситалари мана шу ресурсларнинг энг асосийси – қаймоғидир, десак муболаға бўлмайди. Шунинг учун ҳам М. Саидов ўринли равишда «халқ достонларидаги бадий тил унинг поэтик маҳорат даражасини белгилашда бош мезон бўла олади»⁴³, – деб ёзган эди. «Қўблон» достони композицион тузилишидаги воқеалар баёнида, қаҳрамон образининг у ёки бу жиҳатини ёритишда, табиат ҳодисалари ва ижтимоий ҳаёт манзаралари тасвирида ўхшатиш, сифатлаш, жонлантириш, интоқ, ташхис, эпитет, метафора, метонимия, антитеза, аллегория, киноя, гипербола, литота ва муболаға каби кўплаб бадий воситалар қўлланилган. Достонда ўз ўрнида ишлатилган сўз ва поэтик такрорлар, шеъринг матн оҳангдорлигини таъминловчи унли ва ундош товушлар уйғунлигига асосланган бадий санъатларни жуда кўплаб учратамиз. Улар достон қаҳрамонларининг диалог ва монологлари мазмунини чуқурлаштириб, жировларнинг бадихағўйлик иктидорини намойиш этади. Достонда ишлатилган бадий такрорларни қуйидагича таснифлаш мумкин: 1) типологик такрорлар, яъни анъанавий эпик қайтариқлар; 2) анъанавий ва магик сонлар билан боғлиқ такрорлар; 3) эпик замон ва макон такрорлари; 4) бадий такрорнинг бошқа типлари. Диссертацияда бу хил тасвирий усул ва воситалар асар мазмуни, эпик ҳодисалар моҳияти ва персонажлар руҳиятини таъсирчан ифодалашга хизмат қилувчи омиллар эканлиги далилланган.

Бобнинг «**Эпик рақамлар тизими**» деб аталган учинчи фаслида достон сюжетига қўлланилган анъанавий эпик рақамларнинг, биринчидан, муайян тасвирланаётган воқеликнинг ҳаққонийлиги ва халқ ҳаёти билан боғлиқлигини таъминлашдаги, иккинчидан, асарнинг поэтик табиати ва эмоционал таъсирчанлиги оширишдаги бадий-эстетик вазифаси ўрганилди. Достон матнидаги анъанавий рақамлар миқдорни, миқёсни, масофани, оғирликни, вақтни ва умр каби тушунчаларни очиклаш мақсадига қаратилганлиги аниқланди.

⁴³Саидов М. Ўзбек достончилигида бадий маҳорат. – Т.: Фан, 1969. – Б.232.

Достон матнида қўлланилган ҳар бир рақамли поэтик модел муайян поэтик вазифа ва бадий-эстетик функция бажариши билан характерланади. Анъанавий ва магик рақамлар эпик асарда тасвирланган воқелик мазмунини ифодалашда иштирок этибгина қолмай, муайян сюжет, мотив, эпизод ва детални конкретлаштириб тасвирлашга ҳам хизмат қилади. Рақамларсиз воқеа мазмуни мавҳум бўлиб қолади. Шундай экан, мазмуннинг тўла намоён бўлишида рақамлар иштирокидаги поэтик формула ва моделлар муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, асарнинг Есемурат жиров вариантыда Қартхожа бий Ақчахонга Қўблонни ўлдиришни маслаҳат қилади. *У қирқ минг* лашкар қўл борса, қирғин бўлишини, шу туфайли *қирқ кун тўй* беришини, тўйда оломонпойга ўтказишни маслаҳат этади. Карам жиров варианты эса Пўлат Ақчахонга пойгага қўшиладиган Ақча отни *қирқ кун* ер остида, *қирқ кун* ер устидабоқиши⁴⁴ кераклиги айтади. Ақчахон пойга байроғи (соврини) учун *қирқ хачир* тилла тикади. Қўблон *қирқ йигит*га чавандоз бола излашни буюради. Улар топган кичик чавандоз *қирқ қулоч арқон* билан гавдасини отга чандаб боғлашни илтимос қилади. Бу ўриндаги қирқ сони сеҳрли-магик рақам ҳисобланади⁴⁵. Аммо хоннинг *қирқ минг* лашкари бўлиши, қирқ кеча-кундуз тўй бериши, отни *қирқ кун* боқиш, *қирқ хачир тилла*нинг байроқ учун тикилиши ҳам реалликдан унчалик йироқ эмас. Чунки Ақчахон Самарқанд ўлкасининг хони, Қипчоқнинг қирқ йигити Қўблонга елкадош бўлиши ҳам ҳақиқатга яқин. Негаки, Қўблон қорақипчоқ қавми Қўрғаншанинг паҳлавони, чавандоз боланинг кўрқиб, қирқ қулоч арқон билан ўзини отга чандашни буюргани ҳам тингловчини ишонтиради. Реалистик тасвирни бойитиб, унга халқона мазмун берадиган ушбу кичик деталлар воқеани тўлдириб, асар ритмига жўшқинлик бахш этади. Ушбу лавҳанинг ўзидаёқ «қирқ» рақами беш марта такрорланишига қарамай, у тингловчи-китобхон ғашига тегмайди, аксинча, матнга оҳангдошлик бахш этади. Аслида бу ўринда 40 сони, мўл-кўллик, жуда кўпликни англатмоқда. Бошқача айтганда, 40 минг лашкар, 40 кунлик тўй, отни 40 кун боқиш... деганда математик ўлчов – микдор ифодаси, яъни санокда ишлатиладиган «40» сони тушунилмайди, бу рақам достонда эпик замон, эпик макон ва эпик микдорни белгилаш мақсадида қўлланилган. Диссертацияда 40 сони айрим бадий формулалар таркибида кўplik маъносини билдириб келиши ҳам кўрсатиб ўтилган. Фольклоршунос М. Жўраев ҳам «дастлаб жамлик, буюклик, кўplik, умумийлик маъноларини англатган 40 рақами кейинчалик турли ибора ва тушунчалар таркибига сингиб кетиб, бора-бора кўplikни англатувчи микдорий бирликка айланиб қолган»⁴⁶, – деган хулосага келади.

«Кўпчилик олимлар туркий тиллардаги 3, 7, 9, 40 сонларининг сакраментал (лотинча *sacramentalis* – муқаддас, одатий) маънода қўлланишини уқтиришади. Кўрсатилган сонлар қорақалпоқ тилида ҳам турфа хил сакраментал маъноларга эга»⁴⁷, – деб ёзган эди олим А. Бекбергенов.

⁴⁴Қарақалпақ фольклори. Көп томлық. «Қоблан». 13-т. – Т.: Маънавият, 2009. – Б. 425.

⁴⁵Жўраев М., Расулова З. Миф, маросим ва эртақ. – Т.: Mumtoz sóz, 2014. – Б. 28.

⁴⁶Жўраев М., Расулова З. Миф, маросим ва эртақ. – Т.: Mumtoz sóz, 2014. – Б. 180.

⁴⁷Бекбергенов А. Қарақалпақ тилиндегисанлықлар. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1976. – Б. 43.

Тадқиқотда мазкур сонларнинг «Қўблон» достонида ҳам кўп ишлатилгани ва поэтик формулалар сифатида турғун истифода этилгани исботланган.

Достон композициясида анъанавий 7 сони ҳам сюжет таркибидаги мазмунни ёрқин очиб берувчи асосий поэтик воситаларнинг муҳим компонентларидан бири вазифасини бажаради. «Етти» рақами халқ наздида сеҳрли, омад келтирувчи рақамдир. Туркий халқларнинг бу рақам билан боғлиқ жуда кўп урф-одат, анъаналари мавжуд. Профессор М. Жўраев: «...бу сон аجدодларимиз тасаввурида омад, муваффақият белгиси, бахт ва эзгулик рамзи сифатида анъанавийлашгандир. Шунинг учун ҳам етти рақами ўзбек халқ эртактарининг бадииятини бойитишда муҳим роль ўйнаган»⁴⁸, – дея таъкидлайди. «Қўблон» достонининг поэтик қурилишида ҳам етти сони кўп қўлланилиб, достондаги асосий воқеалар ҳамда Қўблон образининг ижобий томонга бурилишида ҳал қилувчи бадиий вазифа бажарган.

Бобнинг тўртинчи бўлими «**Бадиий матнда параллелизм ва рамзларнинг роли ва хусусиятлари**» деб номланиб, фаол услубий бирликлардан бири саналган параллелизм ҳамда поэтик рамзларнинг достон бадиийлигини таъминлашда тутган бадиий-эстетик вазифалари ўрганилган. Масалан:

Мал-дуньядан аныңкеўли тоқ екен,
Алтын, гүмис сол адамдакөп екен,
Сонша дунья-малы-мүлки болса да,
Ата дерге бир перзенти жоқ екен⁴⁹.

Ушбу бандда услубий бирликлардан эпифора ва градация қўлланилиб, банднинг дастлабки икки мисрасидаги синтактик бирикмалар, учинчи ва тўртинчи мисраларга қарама-қарши қўйилиб тасвирланган. Учинчи мисра дастлабки икки мисрадаги фикрни рад қилиб, тўртинчи мисра мазмуни уларга параллел қўйилган. Натижада ритмик-параллелизм усули юзага келган. Мазкур банддаги сўз бирикмаларининг таъсирдорлигини оширишда мисралар охирида редиф вазифасида келаётган «екен» тўлиқсиз феъли маънони кучайтиришга, таъкидлашга қаратилган. Достонда параллелизмларнинг бу ва бошқа хил кўринишлари ўринли ва самарали ишлатилгани ишончли мисоллар орқали исботланган.

Достон композициясида персонажлар хулқ-атвори, характер-сажияси, туйғулари, дарду ҳасратлари ёки қувончу шодлиги, фараҳбахш онлари билан боғлиқ кечинмаларини акс эттирган тематик-психологик параллелизмлар ҳам кўп учрайди. Улар асар композициясида ўзига хос бадиий функция бажарган. Масалан:

Патшаны көзге илмедің,
Есабын неге бермедің,
Есапсыз жийған малыңнан,
Ақчахандай ханыма,
Жартысын неге бермедің⁵⁰.

⁴⁸Жўраев М., Расулова З. Миф, маросим ва эртак. – Т.: Mumtoz sóz, 2014. – Б. 113.

⁴⁹Қарақалпақ фольклори. Көп томлық. «Қоблан». 8-т.– Нөкис: Қарақалпақстан, 1981. – Б. 14.

⁵⁰Қарақалпақ фольклори. Көп томлық. «Қоблан». 8-т.– Нөкис: Қарақалпақстан, 1981. – Б. 12.

Ушбу парчада подшони назарга илмани, йиққан бойлигидан хонга бермаганини таъкидлаш мақсадида келтирилган риторик сўроқ маъносидаги «нега бермадинг» сўз бирикмаси такрор ҳолда ёндош қўйилиши тематик-психологик параллелизмни ҳосил қилган. Мисолдан кўриниб турибдики, қаҳрамон тилидан «хон улуғ, шу сабаб фуқаро унга мавжуд мол-дунёсининг «жартысын» (ярмини) бериши лозим» деган психологик мулоҳаза ифода топган ва ушбу лавҳа воситасида феодал-патриархал жамиятининг тарихий манзарасидан битта жиддий фрагмент бадиий кашф этилган. Диссертацияда бу хил адабий ҳодисалар дoston матнидан келтирилган мисоллар орқали илмий таҳлил қилинган.

«Кўблон» достони матнида қўлланилган поэтик рамзлар ранг, сон, ўсимлик ва ҳайвонлар, паҳлавонлар, замон, макон ва этноним каби тушунчаларга нисбатан шартли белгилар сифатида истифода этилади. Қаҳрамонлик дostonларининг аксариятида бош қаҳрамон халқ идеалининг рамзлаштирилган образи кўринишида ифодаланади. «Кўблон» достонида бош қаҳрамон Кўблон тенглик, озодлик, адолат учун курашувчи халқ идеали, орзу-армонининг тимсоли сифатида намоён бўлади.

